Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

49 ИЙЛ ЧИҚИШИ

№ 25 (13.585).

1967 ЯНВАРЬ 29 ЯКШАНБА

Баҳоси 2 тийин.

Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига

ИШ ЯХШИ БОШЛАНДИ

ФАРҒОНА. (ЎзТАГ). Қува районининг чорвадорлари юбилей йилида ишларни яхши бошлаб юбордилар. Улар давлатга гўшт сотиш биринчи квартал планини Фарғона областида биринчи бўлиб бажардилар. Қабул пунктларига 370 тоннага яқин маҳсулот топширилди. Охунбобоев ва Ленинград районларининг хўжаликлари ҳам уч ойлик топшириқни муддатидан илгари бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар.

ПЛАН ОШИРИБ БАЖАРИЛДИ

ИШТИХОН. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Сайловолди мусобақасини кучайтириб юборган Иштихон районининг чорвадорлари беш йилликнинг иккинчи йили биринчи квартал гўшт тайёрлаш планини ошириб бажардилар. Бу туҳфага «Халқобод» колхозининг аъзолари натта ҳисса қўшдилар. Колхоз чорвадорлари ҳозирдаёқ 820 центнердан кўпроқ бўрдоқи гўшти топшириб, йиллик планни ошириб адо этдилар.

ҚЎШИМЧА МАҲСУЛОТЛАР

Бухоро ремонт заводи Бухоро, Қашқадарё ва Самарқанд областларидаги хўжаликлар учун қўшламчи дала ишларига тракторларнинг дизель моторларини графикда белгиланган муддатдан олдин тайёрлаб бермоқда. Иззат Нуруллаев бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси Ўзбекистон ССР Олий Совети ва меҳнаткашлар депутатлари Маҳаллий Советларига сайловлар шарафига бошланган мусобақада олдинда бормоқда. Бригада январь ойи планидан ташқари колхозларга ўн двигатель топширди.

Корхона коллективи 50 моторни муддатидан олдин ремонтдан чиқаришга қарор қилди. Бу ерда штутнлар ва вкладишларни реставрация қилиш ишн биринчи марта йўлга қўйилди.

ГАЗ ПЛИТАЛАРИ ЯЙЛОВЛАРДА

Газ плиталари Қизилқумдаги қорақўлчиларнинг ҳаётида мустаҳкам ўрин олмоқда. Ҳозир газ плиталарини Қизилқумдаги узоқ яйловларда жойлашган қишлоқлар чорвадорларининг хонадонларида кўриш мумкин. Қашқадарё областидаги колхоз ва совхозларнинг яйловларидаги чорвадорлар хонадонларига 8,5 минг ана шундай плита ўрнатилди. Ихтисослаштирилган қорақум совхозининг ўзидагина 500 га яқин плита бор.

Газ магистрали ҳозирдаёқ Қаршига етиб келди. Қашқадарё арзон табиий газ олди. Тез вақт ичида газ чўпонлар яшайдиган бошқа жойларга ҳам борилб етади.

ЯНГИ МАШИНА

«Андижанирмаш» заводи ер текислайдиган «Д—719» маркали машиналарни кўплаб ишлаб чиқара бошлади. 4 метр майдонни қамрайдиган бу янги машинанинг барча иш органлари гидравлика ёрдамида ҳаракатга келтирилади.

Корхона юбилей йилида қишлоқ меҳнаткашларига 8 хил янги машина тайёрлаб беради.

САЙЛОВЛАРГА

ПУХТА ТАЙЁРЛАНАЙЛИК

Сайловлар совет кишилари ҳаётида ҳамиша катта байрам бўлади. Чунки бизнинг сайлов системамиз халқ демократиясининг энг юксак, энг инсоний принципларига асосланганлиги, чунки бизда ҳокимиятнинг олий ва қуйи органларигача халқимизнинг энг севган, асл фарзандлари сайланади. Совет депутатлари эса — халқ хизматкорларидир. Уларнинг партия, давлат, халқ манфаатларидан бошқа манфаати йўқ. Коммунистик партиямиз ўзининг бутун фаолиятида, тарихни яратувчи — халқдир деган марисча-ленинча қоидага амал қилади. Дарҳақиқат, коммунизм қурилиши миллионлаб меҳнаткашларнинг кучи, ғайрати, ақл-заковати туфайли амалга ошади. Партиямиз янги жамият қурилишига раҳбарлик қилар экан, халқнинг яратувчилик фаолиятини кучайтиришга, унинг бутун талант ва қобилиятини янги жамият қуришга жалб этишга зўр эътибор берянти. Улуғ Ленин айтганидек, партия оммани давлатни бошқаришга узлуксиз ва қатъий жалб қилади. Мамлакатимиз халқлари, Коммунистик партиямиз олдида турган улуғвор вазифалар социалистик давлат ҳақидаги, Советлар ҳақидаги ленинча принципларни янада ривожлантириш, демократиямизни янада такомиллаштиришни тақозо этяпти. Республикамизда ўтказиладиган навбатдаги сайлов ҳам совет демократиясининг улуғворлигини, энг инсонийлигини намойиш этувчи умумхалқ байрамига айланади.

Узбекистон ССР Олий Совети ва Маҳаллий Советларга шу йилнинг 12 мартида ўтказиладиган сайловлар республикамиз меҳнаткашларининг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратини янада жўш урдиради. Сайловга тайёргарлик муҳим сиёсий кампания дир. У партия ташкилотлари, меҳнаткашлар депутатлари Советларидан катта ташкилотчилик ва маҳорат талаб қилади. Партия ташкилотларининг шу кунлардаги асосий вазифаси — сайловга тайёргарлик кўриш жараёнида совет кишиларининг онглилигини ва ташаббускорлигини оширишдан, омманинг бутун кучини КПСС XXIII съезди илгари сурган вазифаларни бажаришга, янги беш йиллик топшириқларини сўзсиз адо этишга қаратишдан иборат бўлмоғи лозим. Бутун ташкилотчилик ва агитация-пропаганда ишларини ана шу мақсадга қаратиш керак, токи нишиларимиз жамиятдаги ўз ўрнини, ўз бурчларини янада яхшироқ англаб олсинлар. КПСС XXIII съезди директивларида қайд қилинганидек, Советларга беш йиллик план топшириқларини бажариш учун курашдек масъулиятли бурч юкланган. Уларнинг катта ҳуқуқ ва бурчлари бор. Советлар хўжалик ҳаётида актив қатнашиши, колхозлар ва совхозлар, саноат корхоналарида, қурилишларда ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳақида ғамхўрлик қилишлари керак. Шунингдек, область, район, шаҳар ижроия комитетлари, қишлоқ Советлари аҳолига савдо, медицина хизмати кўрсатишни янада яхшилаш, маданий-маиший хизмат кўрсатиш савиясини янада ошириш тўғрисида қайғуришни асло унутмасликлари лозим. Меҳнаткашларга алоқа, транспорт хизмати кўрсатиш ҳам Совет ташкилотлари диққат марказида турсин. Шуни унутмаслик керакки, нимаики иш қилмайлик, совет кишисига меҳрибонлик ҳар ерда, ҳар нафаҳда сезилиб турсин. Инсон ҳақида гамхўрлик партиямизнинг, Советларнинг ҳаёт қонунидир.

Партия ташкилотлари сайловчилар ўртасида сиёсий агитацияни кучайтиришлари, бунда оммага партиявий таъсир кўрсатишнинг хилма-хил форма ва методларидан фойдаланишлари айниқса муҳим. Сайловолди агитациясига идеология ходимларининг ҳамма вакиллари жалб этилиши керак. Агитпунктлар сайловчиларнинг севган жойи бўлиб қолсин. Уларда хилма-хил сайлов адабиётлари, янги газета ва журналлар бўлиши зарур. Шунингдек, агитпунктлар совет сайлов системаси, совет демократиясининг афзалликларини кўрсатувчи кўргазмали агитация билан безатилиши лозим. Сайлов округлари ва участкаларини муҳим адабиётлар, айниқса сайловда ишлатиладиган ҳужжатлар билан вақтида таъминлаш — муҳим масаладир.

Бироқ, айрим жойларда сайловолди кампанияси ҳанузгача қизитиб юборилмаган. Агитпунктлар талабга жавоб берарли даражада безатилмаган. Ҳали кўпгина сайлов округлари ва участкаларини радиолаштириш ва телефонлаштириш иши билан тегишли ташкилотлар қизиқмаётирлар. Сайловолди агитациясида иштирок қиладиган агитаторларни танлаш ва уларнинг кучидан самарали фойдаланишда ҳам талай камчиликлар бор.

Сайловларга тайёргарлик ишлаб чиқариш планларини муддатидан илгари бажариш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, маблағ ва хом ашёларни кўплаб тежаш учун социалистик мусобақани кучайтириш билан қўшиб олиб борилиши керак. Буни яхши тушунган кўплаб коллективларда меҳнаткашлар сайловолди вахтасида туриб ишламоқдалар. Республикамиз пахтакорлари сайловларни баҳорги экишга пухта тайёргарлик кўриш билан, саноатчиларимиз эса халқ хўжалигига жуда зарур бўлган машиналар, асбоб-ускуналар ва ўғитларни кўплаб ишлаб чиқариш билан кутиб олишга бел боғладилар. Самарқандаги «Красный двигатель», Андижондаги «Андижанирмаш», Тошкентдаги «Узбексельмаш» заводларининг коллективлари, Янгийўл районидаги Ҳ. Турсунқулов номли колхоз, Ленин районидаги «Правда Востока» колхози пахтакорлари сайловолди мусобақасига қўшилиб, меҳнатда янги-янги муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар.

Узбекистон ССР Олий Совети ва Маҳаллий Советларга сайловга қадар қарийб бир ярим ой қоляпти. Бу давр ичида сайловолди мусобақасини тағин ҳам қизитиб юбориш ва шу асосда янги беш йиллик иккинчи йили топшириқларини муваффақиятли бажаришга меҳнаткашларни активроқ жалб этиш лозим. Партия ва совет ташкилотларининг, маҳаллий Советларнинг шу кунлардаги жонажон иши — сайловларга тайёргарликни янада кучайтириш, меҳнаткашларни давлатни бошқаришга, жамоат ишларига кенгроқ жалб қилишдан иборатдир.



СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТЬ. Жарқўрғон районидаги «Социализм» колхозининг аъзолари узумзор ва мевали дарахтлар майдонини кенгайтиришга йил сайин яхши эътибор бераётирлар. Улар ҳозир бир неча юз гектар янги ерларни ўзлаштириб, ер текислаш ишларини бошлаб юбордилар. Бу майдонга турли хил мевали дарахтлар, ток кўчатлари ўтқазишни кўзда тутмоқдалар. Шу билан бирга бу ерда бир неча 10 гектар тутзорлар ҳам барпо қиладилар. Суратларда юқорида: майдонларни текислаш пайти, пастда эса ер текислашда намуна кўрсатиб ишлаётган илгор тракторчи Э. Дўстқобилов.

Х. Исроилов фотолари. (ЎзТАГ фотохроникаси).

◆ ◆

МАЖБУРИЯТГА ЯРАША

«Тома-тома кўл бўлур» деган халқ мақоли айни шу кунларда баландроқ пардада жаранглямоқда. Республикамизда тежамкорлик бўйича бошланган умумхалқ ҳаракатида Тошкент газ аппаратлари заводи коллективи актив қатнашяпти. Корхонанинг ҳар бир ишчиси, инженер-техник ходими исрофгарчиликка қарши кескин кураш бошлади.

Фақат бу йил шундай бўляптими? Йўқ! Газ аппаратлари тайёрловчилар бу соҳада кўпдан бери иш олиб боришмоқда. Тежамкорлик соҳасида муайян тажрибалар ҳам тўплашган. Мана бу рақамларнинг маъзини чақиб кўринг. Беш йилликнинг дастлабки йилида 20 тонна қора металл, 30 кубометр тахта, 120 минг киловатт соат электр энергия тежашга аҳд қилинган эди. Мажбуриятга яраша ишлаш, ваъданинг устидан чиқиш учун кураш мусобақаси авж олдириб юборилди. Натижа ёмон бўлмади. Йил охирида ҳисоб-китоб қилиб кўрилганда қувончли ютуқларга эришилгани маълум бўлди. 26 тонна қора металл ва бир тонна 600 килограмм рангли металл иқтисод қилинди. 90 кубометр тахта тежалди. Иқтисод қилинган 300 минг киловатт-соатдан ортиқ электр энергия ҳисобига қўшимча равишда кўплаб газ аппаратлари тайёрлаб чиқарилди.

— 1967 йилги режаларимиз яна ҳам катта, — дейди корхонанинг илгор слесари Н. Тимофеев. — Биз, тежалган материаллар қўшямча маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига имкон беришини жуда яхши биламиз. Тежамкорлик учун кураш ҳаракатини кенг қулоч ёйдирмоқдамиз. Касбдошларим С. Содиқов, Т. Эрматов ўртоқлар тежамкорлик мусобақасида айниқса яхши натижаларга эришаётирлар. Улар ҳар куни планга қўшимча маҳсулот тайёрлаш билан бирга имкони борича кўпроқ металл, тахта, электр энергияси иқтисод қилишяпти.

ЎРТОҚ ИОСИП БРОЗ ТИТО МОСКВАГА КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан, Югославия Социалистик Федератив Республикасининг Президенти, Югославия коммунистлар союзининг раиси Иосип Броз Тито рафиқаси билан 28 январда қисқа муддатли ғайри расмий визит билан Москвага келди.

Югославия Социалистик Федератив Республикаси ва СССР давлат байроқлари билан безатилган Киев вокзалида ўртоқ И. Броз Тито ва унинг рафиқасини КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев рафиқаси билан, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари К. Т. Мазуров рафиқаси билан, КПСС Марказий Комитетининг секретари Ю. В. Андропов ва бошқалар кутиб олдилар. (ТАСС).

БИНОКОРЛАРНИНГ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ ОЛДИДАН

БУГУНГИ ТУЯМЎЙИН

Амударёда Туямўйин гидроузелининг қурилиши Хоразм воҳаси экономикасини янада юксалтиришда кенг уфқлар очиб беради. Суғориладиган деҳқончилик ва жамоат чорвачилигининг истиқболи, энергетиканинг барқ уриб ривожланиши, халқ хўжалигининг келгуси тараққиёти шу гигант қурилиш билан чамбарчас боғланган. Туямўйин гидроузели кўпгина йирик иншоотлар комплексини ўз ичига олади. 7 миллиард кубометр сув сиғадиган омбор, 21 метр баландликда тўғон ва 2 каватли кўприк, энг йирик ирригация тармоғи бўлган Жанубий Хоразм канали, 250 минг киловатт қувватга эга бўлган гидроэлектростанция қурилади. Яқин келажакда худди шу ерда Туямўйин станцияси ва шаҳри қад кўтаради.

Туямўйинда ишлар бошланиб кетганига анча вақт бўлди. 1965 йил январида Туямўйин қурилиш трести ташкил топди. Трестга қарашли Питнак, Янгибозор ва Хоразм қурилиш-монтаж бошқармалари ҳозирги замон қудратли техникаси билан қуролланган, малакали бинокор кадрларга эга бўлган қурилиш ташкилотларидир.

Қурилиш-монтаж бошқармалари гидроузел қурилиши билан боғлиқ кўпгина ишларни, йирик сув хўжалиги ва мелиорация объектлари қурилишини амалга оширдилар, қирғоқни муҳофаза қилиш ва дагишнинг олдини олиш соҳасида катта ҳажмдаги ишларни бажардилар.

Жанубий Хоразм каналининг биринчи навбати қурилиши жадаллашмоқда. Ҳозиргача 2,5 миллион кубометр тупроқ қазиб чиқарилди, 3,5 минг кубометр темир-бетон ишлари бажарилди. Кенглиги 100 метргача, чуқурлиги 19 метр бўлган бу магистрал каналнинг 18 километрлик қисмини юбилей йилида қуриб битказиш мўлжалланмоқда.

Питнак қурилиш-монтаж бошқармаси гидромеханизаторлари дарё сатҳидан 10 метр ва ундан ҳам баланд бўлган қирғоқлари қазиб чўл бағрига марварид камар боғладилар. Каналнинг бош иншоотини қуришда прораб Х. Башмаков бошлиқ азаматлар ишлаяпти. Бетонлаш механизмлари, экскаваторлар тинимсиз ишлаб турибди. Бетончи Қ. Ражабов, арматурачи М. Иброҳимов, экскаватор машинисти Р. Матмуродов, дурадгорлар бригадири П. Александров ва бошқа пешқадам қурувчилар меҳнатда жасорат кўрсатаётирлар. Темир-бетон маҳсулотлари заводи қурилиши бошлаб юборилди. Унинг йиллик маҳсулоти 20 минг кубометрни ташкил этади. Яна 2 энергопоезд фойдаланишга берилади. Гидроузел қурилишига хизмат қиладиган яна бир неча корхона ишга туширилади.

Туямўйин трести коллективи беш йилликнинг биринчи йилини яхши кўрсаткичлар билан якунлади. 7,2 миллион ўрнига 7,5 миллион сўмликдан кўпроқ қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. 2757 квадрат метр турар-жой фойдаланишга берилди. 400 гектар ўрнига 542 гектар ер ўзлаштирилди.

Бу йил Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига юксак мажбуриятлар олинди. Гидромеханизаторларимиз олдида 9 миллион сўмликдан ортиқ қурилиш-монтаж ишларини бажариш вазифаси турибди. Жанубий Хоразм каналини қуриш давом эттирилади. Каналлар ва коллекторлар реконструкция қилинади.

Кран, самосвал, трайлер ва цемент ташийдиган машиналар етарли бўлганда ишимиз янада яхшироқ юришиб кетарди. «Узглавводстрой» раҳбарлари трест эҳтиёжларини қондиришга яқиндан эътибор беришларини кутамиз.

Туямўйин гидроузели қурилиши туфайли Хоразм бойликлар хазинасига, республиканинг иқтисодий жиҳатдан ғуркираб ривожланган областларидан бирига айланади.

А. ИНИЛЕЕВ,
Туямўйин қурилиш трести бош инженери.

Н. В. ПОДГОРНИЙНИНГ ИТАЛИЯДА БЎЛИШИ

МИЛАН, 27 январь. ТАСС махсус мухбирлари **А. Красиков ва Б. Лукьянов** хабар берадилар:

Милан—Ломбардиянинг маркази бўлиб, саноати жиҳатидан Италияда биринчи ва аҳолисининг сони жиҳатидан иккинчи ўринни эгаллайди (бу шаҳарда 1,7 миллиондан ортиқ киши яшайди). Бу шаҳарни мамлакатнинг саноат пойтахти деб аташлари ҳам бежиз эмас. Шаҳарда ва унинг теварак-атрофида хилма-хил заводлар кўп.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний ва унга ҳамроҳ бўлган Совет давлат арбоблари бугун «Пирелли» фирмаси корхоналари билан танишдилар. Завод ҳовлисига тўпланган ишчилар, инженерлар, техниклар Н. В. Подгорний ва унинг ҳамроҳларини гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар. Завод территориясидагч XV аср қасрида Н. В. Подгорний фирма раҳбарлари ва ишчиларинг вакиллари билан учрашди.

Фирманинг президенти Леопольдо Пирелли ўзининг қисқача нутқида фирма 20 йилдан буён Совет Иттифоқи билан алоқа қилиб келаётганлигини таъкидлади.

Шундан кейин Н. В. Подгорний нутқ сўзлади.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ва бошқа Совет меҳмонлари шиналар ишлаб чиқарадиган заводни батафсил кўздан кечирдилар. Ўлар турли цехларга бориб, бутун технология процессини кузатдилар.

* * *

ВЕНЕЦИЯ, 27 январь. **(ТАСС махсус мухбири).** СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний ва унинг ҳамроҳлари бугун кечқурун махсус поездда Миландан Венецияга келдилар.

Н. В. Подгорний бугун кечқурун Венеция мунципал кенгашининг меҳмони бўлди. Кенгаш унинг шарафига зиёфат берди.

* * *

САН-ДОНАТО, 27 январь. ТАСС махсус мухбирлари **А. Красиков ва Б. Лукьянов** хабар берадилар:

Бугун СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний Милан яқинидаги Сан-Донато шаҳарчасида итальян химикларининг меҳмони бўлди. У давлат нефть-меган ушмаси—ЭНИнинг корхоналарини бориб кўрди.

Ишчилар ва инженер техник ходимлар билан қизғин учрашувлар бўлди.

ЭНИ президенти профессор Марчелло Болдрини ҳурматли меҳмонга қисқача табрик сўзи билан мурожаат қилиб, бундай деди: мен Сизни бу ерда. ЭНИ маъмурий марказида ва унинг бош фирмаларида табриклайман, бу сўзларим бизнинг тўрт қитъада ишлаётган 70 минг ходимларимизнинг муштарак ҳис-туйғусини ифодалашга аминман.

Профессор Болдрини 1959 йил ЭНИ билан совет ташқи савдо ташкилотлари ўртасида тузилган биринчи йирик битим италиянинг савдо-саноат доираларини қанчалик кенг тўлқинлантирганлигини эслатиб ўтди.

ЭНИ ўз фаолиятини ривожлантириб борар экан, деб сўзини давом эттирди у, Совет Иттифоқи билан ҳар йили Совет Иттифоқидан Италияга табиий газ юборишқ тўғрисида узоқ муддатли битим имзоланш тўғрисида музокаралар олиб борашга киришилди. Бу лойиҳани амалга ошириш учун ҳозирги вақтда имкони бўладиган даражада энг катта диаметрли газ қувури ётқизиш талаб этилади. Шунинг натижасида Совет Иттифоқидаги кондардан чиқадиган газ По дарёси водийсига етиб келса, бу ерда у ЭНИнинг таҳсимот тармоғига ўтади.

М. Болдрини халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик муносабатларини ўрнатишда саноат ва иқтисодий алоқалар энг замонавий ва ишончли воситаларнинг эканлигини таъкидлаб ўтди.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний жавоб нутқи сўзлади.

ЮКСАК МУКОФОТ

ЯНГИЙЎЛ, 28 январь. (ЎзТАГ). Бугун шаҳардаги маданият уйида Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигига қарашли Янгийўл гишт заводлари 8-бошқармасининг коллективига Меҳнат Қизил Байроқ ордени топширишга бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Бошқарма етти йиллик планнинг иморатбоп гишт ишлаб чиқариш юзасидан топшириқни муддатидан олдин бажаргانлиги, ишлаб чиқаришни кенгайтиргانлиги ва юксак техника-иқтисодий кўрсаткичларга эришганлиги учун шу мукофотга сазовор бўлган эди.

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. С. Насриддинова Ҳукуматнинг юксак мукофотини орденли коллектив вакилларига топширди.

Е. С. Насриддинова Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Совети номидан бошқарманинг барча ходимларини самимий қутлаб, меҳнатда уларга янгидан-янги муваффақиятлар тилади.

Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министри А. Каримов, 6-қурилиш-монтаж бошқармасининг бошлиғи Д. Мустафоев, Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозининг раиси А. Ортиқов, Янгийўлдаги мойжир комбинатининг директори Т. Зиёдуллаев, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. А. Абдураззоқов йиғилишда нутқ сўзлаб, гишт заводлари 8-бошқармасининг коллективини юксак мукофот билан қутладилар.

Янгийўл гишт заводлари 8-бошқармасининг директори У. Абдуназаров коллектив меҳнатига юксак баҳо берганликлари учун Коммунистик партия ва Совет ҳукуматига орденли бошқарма ходимлари номидан қизғин миннатдорчилик изҳор этди ва Октябрнинг 50 йиллигига улар пландан ташқари 3,5 миллион дона гишт ишлаб чиқариш мажбуриятини олганликларини айтди.

МЕҲНАТ—РОҲАТ

Қашқадарёликлар Яккабоғни Зарафшон водийсининг дарвозаси деб аташади. Тошкент—Душанба, Термиз—Тошкент, Тошкент—Самарқанд йўли шу дарвозадан ўтади. Юк ва енгил машиналар, йўловчилар шу ердан чор тарафга равона бўлади.

Яккабоғни сеҳргар дейишади. Бу гапда ҳам жон бор. Унинг сўлим ҳавоси, шўҳ-оқар дарё шалоласи, доим фасли баҳор боғ-роғларининг жамоли ҳаммани ўзига мафтун этади, майин шабадаси дилларга ором беради. Яккабоғ чорраҳаси кеча-кундуз одамлар билан гавжум. Бу ерда бир чойнак қўй чой ичган йўловчи бир кун дам олганнинг савобини топади. Қурама тоғлар бағрига жойлашган Яккабоғ райони шундай гўзал ва сеҳргар. Яккабоғнинг ҳуснига ҳол бўлиб тушган, чиройига чирой қўшаётган одамлари ундан ҳам гўзал!

Яккабоғликлар меҳнатнинг оғири, манзилнинг яқинини яхши кўради. Ижодкор, ташаббускор, янгиликка ихлосманд халқ. Таъриф-лашларича, ишқилобгача бу ерда яккаю ягона боғ бўлган. Яккабоғ деган ном шундан олинган бўлса ажаб эмас. Агар боққа тавсиф қилиб ном қўйиладиган бўлса, ҳозирги Яккабоғни минг боғ дейиш керак. Ишқилобдан кейин меҳнат аҳли районнинг кўксини боғ-роғлар, пахтазорлар билан безади. Районда бўлган кунимиз икки қария билан суҳбатлашиб қолдик.

— Яккабоғнинг бир бош узумини еган киши,—деди улардан бири,—беш чойнак чой ичмаса лаби лабига ёпишиб қолади.

— Яккабоғ пахтачиликда йўлчи йолдуз бўлиб қолди,—қўшимча қилди иккинчиси...

Ҳа, боғдорчиликда донг таратган Яккабоғ райони эндиликда пахтачиликда ҳам байроқдор. Ўтган йили пахта тайёрлашда республикамизда биринчи бўлиб галаба рапортига имзо чеккан ҳам яккабоғликлар бўлди. Инсонлар меҳнати билан безанган бу юртнинг одамлари гўзал дедик. Расмдаги нуроний бобога қаранг. Бу 73 ёшли колхозчи Абдураззоқ Холиқовдир. Ҳамма қарияни ҳурмат билан бобо деб аташди. Ҳа, бу киши юртнинг бобоси, оқсоқоли, маслаҳатгўйи.

Бобонинг касби мироб. Бироқ у партия тавсияси, халқ хоҳиши билан 16 йил «Ленин учқуни» колхозига раислик қилди. Ёши улғайгач иззат-икром билан пенсияга чиқди. Аммо ҳамон қадрдон колхози билан ҳамнафас бўлиб, колхозчилар билан бир сафда қадам ташлаяпти. Кекса деҳқон ўз коллектив хўжалиги тарихини шундай ҳикоя қилади.

— 1931 йилда 18 камбағал-батрак бирлашиб колхоз туздик,—дейди у мағрур оҳангда.—Ўша кезда тўрт жуфт хўкиз, юз тановча ериміз бор эди. Жавдари пахта экиб дурустгина хирмон кўтардик. Орқамизга офтоб тегди. Қўлимиз пул, хонадонимиз дон кўрди. Секин-аста камбағаллар атрофимизга уюша бошлади. Янги ер очдик, сув иншоотлари қурдик. Ишимиз анча юришиб кетди. Ҳар қадамда партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрликлари, давлатимизнинг қўмагини сезиб турдик.

— Колхозингнинг биринчи аъзоларидан ҳозир кимлар бор?—сўрадик бободан.

— Саид Эшназаров, Холёр Мирзаев, Жўра Эшбобоев, Эшқобил Жўраев... Санаб чиқилса, анчагина бор. Лекин ҳаммалари пенсионер.

Бобо бир оз ўйланиб олгач, сўзини давом эттирди.

— Ўша кезларда шароит жуда оғир эди. Кетмондан бошқа иш қуроли йўқ эди. Ёғингарчилик, қурғоқчилик ва бошқа табиий офатлар нўксонизни кесиб юборарди. Унча узоққа бормай қўяқолдайлик. Иккинчи жаҳон уруши кезларида ҳам колхозимизда атиги битта юк машинаси бор эди, холос. Аммо умидсизланмадик. Бугун бўлмаса эртага, эрта бўлмаса келаси куни бахт кулиб боқишига қаттиқ ишондик. Белни маҳкам боғлаб астойдил меҳнат қилдик, меҳнатимиздан бахт топдик.

Ҳозир «Ленин учқуни» колхозида 648 хўжалик, 1400 дан зиёд ишга яроқли колхозчи бор. Улар меҳнатни шон-шараф, қаҳрамонлик иши деб билади. Халқ меҳнати билан колхоз қишлоғи планли равишда қайта қурилди. Ўнлаб маданий-маиший муассасалар аҳолига хизмат кўрсатяпти. Жамоат жойлари, колхозчиларнинг хонадонлари электрлаштирилди, радиолаштирилди, газлаштирилянти. Ҳамма хонадонларда телевизор бор. Шахсий жамғармаси ҳисобига енгил машина, мотоцикл харид қилган колхозчилар хонадони оз эмас. Колхознинг бугуни гўзал, эртаси янада порлоқ.

— Бахтли ҳаёт, фаровон турмушимизнинг манбаи,—дейди колхознинг ҳозирги раиси Қўқон Туймаев,—яратувчилик меҳнатидир. Колхозчиларимиз манглай тери тўкиб моддий бойликлар яратяпти, моддий бойликлар эса уларнинг турмушига жило берянти. Биз ҳаётнинг, замонамизнинг қадрига етамиз. Она юртимизни шон-шарафларга буркаш учун куч-ғайратимизни аямаймиз. Чунки бу тузумни бизга Улуғ Октябрь берди.

Раис хўжаликда пахта, сут, гўшт, пилла, мева, сабзавот ва бошқа маҳсулотлар етиштириш тобора кўпайтирилаётганини кўрсатувчи далиллар келтирди. Колхоз ўтган йили 1.100 гектар пахта майдонидан юқори ҳосил кўтарди, планнигина эмас, мажбуриятни ҳам ошириб бажарди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Панжи Маматов, Жўра Рустамов, Искандар Иброҳимов, Очил Эшбобоевлар бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик гектар бошига 37 центнергача кўтарилди. Терим ёппасига машиналаштирилди. Абдураззоқ бобо айтгандек, колхозчининг иш қуроли илгари кетмон бўлган бўлса, энди чигит экишдан тортиб ҳосилни йиғиб-териб олишгача бўлган ҳамма ишлари забардест машиналар бажарянти. Деҳқонга бахт кулиб боққан замон келди.

— Колхозчиларга ўтган йилги меҳнати эвазига қанча пул тақсимланди? сўрадик раисдан.

— Салкам бир миллион сўм пул берилди,—деди у, бир иш кунининг қиймати 3 сўм 50 тийинга тушди. Бир йиллик меҳнати учун 2,5—3 минг сўмдан ҳақ олган колхозчилар хонадони ўнлаб саналади. Ҳаммаининг ҳамёни қоппайди, омбори донга тўлди. Сигирлик, қўйлик бўлди.

Раис Санобар Душаева билан Ҳалима Йўлдошеванинг номини фахрланиб тилга олди. Қаранг, ҳали йигирма ёшга етмаган бу икки қиз ўтган йили мавсумда 12—13 минг килограммдан «оқ олтин» терди. Уларни шунга ким мажбур қилди? Ҳеч ким! Фидокор ёшлар бугун жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилса, эртага янада бахтли ҳаёт кечиришини яхши билади. Шу сабабли бир гайратга ўн гайрат қўшиб тер тўкди. Ўтмишдаги мажбурий меҳнат совет замонамизда онгли меҳнатга, фаровон турмушнинг таркибий қисмига айланди.

«Ленин учқуни» колхозининг аъзолари ўтган йили давлатга сут, ўшт ва бошқа маҳсулотларни ҳам ҳар қачонгидан кўп сотдилар.

— Ютуқларимиз катта,—дейди Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Панжи Маматов,—галдаги вазифаларимиз эса ундан ҳам каттароқ. Биз КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг 50 йиллигига тайёргарлик тўғрисидаги қарорини ўқиб чиқдик. Унда олға сурилган фикрларга жон-дилимиз билан қўшиламиз. Жонажон Совет ҳокиматимизга коммунистик партиямизга бўлган меҳр-муҳаббатимиз, садоқатимизни пахта етиштиришни янада кўпайтириш билан изҳор этамиз. Беш йилликнинг иккинчи босқичида ҳар гектар ердан камида 45 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтарамиз.

Ҳар бир бригада, звено, колхозчи, механизатор ўз резерви ва ички имкониятини ҳисобга олиб, конкрет мажбурият қабул қилди. Шунга яраша тараддуд кўрилянти. Трактор ва сеялкалар ремонти тугалланди. Экин майдонлари ўғитланиб, шудгорлаб қўйилди. Ерда кўпроқ нам тўплаш чоралари кўрилянти. Ўғит тўплаш қизитиб юборилди. «Ленин учқуни» колхози меҳнат аҳли Совет ҳокимияти ўрнатилганининг 50 йиллиги, Владимир Ильич Ленин туғилган кунинг 100 йиллиги байрамини моддий бойликлар етиштиришни ҳар қачонгидан кўпайтириш билан кутиб олиш учун астойдил бел боғлаб майдонга кирдилар. Уларга эзгу орзуларини рўёбга чиқаришда муваффақиятлар тилаймиз.

Биз юқорида таъриф қилган Яккабоғ районининг ҳамма колхозлари, бутун меҳнаткашларининг аҳд-паймони ҳам шундай.

— Эл-юрт бойлигини кўпайтиришдек яхши ниятингиз манго ҳамрохингиз бўлсин,—дейди бобо оппоқ соқолини силаб.

Биз ҳам шу фикрга қўшилдик.

М. НАЗАРОВ,
З. ИСРОИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

«ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»

Журналнинг янги йил сони «Беш йилликнинг иккинчи йили» сарлавҳали бош мақола билан очилади. «Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги ва В. И. Ленин туғилган кунинг 100 йиллиги олдидан» рубрикаси остида тарих фанлари кандидати А. Абдуназиевнинг «Ленин: суғориш ўлкани ҳаммадан кўра ўзгартириб юборади...», сарлавҳали мақоласи босилган.

Журналнинг «Идеология иши ва ҳаёт» бўлимида В. Могилевский ва Л. Прохоровнинг «Адабиёт ва санъат-меҳнаткашларни тарбиялашнинг таъсирчан воситаси», Ўзбекистон КП Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлимининг инструктори Е. Богославскаянинг «Пропагандистлар билан ишлашга кун сайин эътибор берайлик», Бутуниттифоқ «Билим» жамиятининг лектори Е. Адамовнинг «Лекторлик маҳорати ҳақида мулоҳазалар», Ҳамза номидаги санъатшунослик институтининг илмий ходими В. Долинскаянинг «Плакат—жанговар қурол», Бухоро давлат педагогика институтининг ўқитувчиси Х. Ҳасановнинг «Янгилик ҳаётга ва турмушга дадил кириб келмоқда» сарлавҳали мақолаларини ўқиш мумкин.

Журналнинг «Марксизм-ленинизм асослари мактабларининг пропагандистлари ва тингловчиларига ёрдам» бўлимида КПСС тарихи, сиёсий иқтисод фалсафа курсларига доир методик маслаҳатлар берилган.

ИҚТИСОДИЙ ТЕМАДА

РЕНТАБЕЛЛИК ОМИЛИ

Тўртқўл районидаги барча колхозлар пахтачиликка ихтисослаштирилган бўлиб, ҳосилдорликни ошириш, ялпи маҳсулотни кўпайтириш соҳасида яхши муваффақиятларга эришмоқдалар. Кейинги йилларда ҳосилдорлик гектар бошига 32-34 центнерга, ялпи ҳосил эса 57-61 минг тоннага етди. Район ҳосилдорлик жиҳатидан ҳам, ялпи ҳосил жиҳатидан ҳам Қорақалпоғистон Автоном республикасида биринчи ўринни, Ўзбекистон районлари ўртасида эса олдинги ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда.

Район хўжаликларида пахтачилик билан бир қаторда, чорвачилик ҳам анча ривожланган. Ҳар бир колхозда йирик қорақўлчилик ва қорамолчилик фермалари мавжуд. Тўртқўл районининг колхозлари қорақўл тери, жун, гўшт ва сут етиштириш соҳасида ҳам кўп йиллардан буён Автоном республикада биринчи ўринни эгаллаб келмоқдалар.

Ишлаб чиқаришнинг янги соҳаси — пахтачилик ва қорақўлчилик юксак даражада ихтисослашган ва айни вақтда кўплаб фойда келтирадиган соҳалар ҳисобланиб, учинчи соҳа бўлган қорамолчилик мустаҳкам озуқа базасига эга бўлмаганлиги сабабли колхозларга зарар етказиб келди. Районда 1961 йилгача қорамолларни сўймга боқиб семиртириш йўлга қўйилмаган эди. Давлатга гўшт учун топшириладиган қорамоллар «Заготскототкорм»нинг қабул пунктлари орқали ўтар ва топширилган гўшт асосан кондицияли бўлмасди. Натижада колхозлар катта зарар кўрарди.

Район колхозлари Хўжайли ва Амударё районларининг хўжаликларидан ибрат олгач, 1961 йили давлат маблағидан фойдаланмаган ҳолда тенг қатнашиш йўли билан колхозлараро ихтисослашган йирик чорвачилик хўжалиги ташкил этишга ўтганларидан кейин бу соҳадаги аҳвол тубдан ўзгарди. Давлатга топшириладиган гўштдан зарар кўриш ҳоллари барҳам еди. Шундан буён орадан 6 йил ўтди. Шу давр ичида колхозлараро чорвачилик хўжалиги ўстириш, боқиб семиртириш ва давлатга гўшт ҳисобига топшириш учун колхозлардан 20369 бош гурли ёшдаги қорамолни, асосан ёш бузоқлар ва 1 ҳамда 2 ёшла қорамоллари қабул қилиб олди. Уларнинг ҳар бирининг тирик вазни ўрта ҳисобда 100-110 килограммдан эди. Давлатга эса 14222 бош мол топширилди. Топширилган ана шу молларнинг ҳисобга ўтган тирик вазни 28819 центнердан иборат. Бошқача қилиб айтганда, олти йил мобайнида қорамолларни ўстириш ва боқиб семиртириш йўли билан 16745 центнер қўшимча гўшт етиштирилди. Давлатга топширилган ҳар бир молнинг тирик вазни у колхозлардан қабул қилиб олинган пайтдагига нисбатан ўрта ҳисобда 111 килограмм ошириб, гўшт учун топширилган қорамолларнинг ҳаммаси кондицияли бўлиб, уларнинг 60 процентдан кўпроғи ўртадан юқори, 38 процента ўрта семизликда бўлган.

Колхозлардан қабул қилиб олинган қорамолларни ўстириш, бўрдоқига боқиб семиртиришни намунали ташкил этиш натижасида хўжалигимиз 716,8 минг сўм соф фойда олди. Бу — ишлаб чиқаришнинг илгари колхозларга катта зарар келтириб келган бу соҳаси ихтисослаштириш туфайли қандай қувончли натижалар бераётганлигининг ёрқин далилидир.

Коллективимиз аъзолари айниқса беш йилликнинг биринчи йилида қувончли натижаларга эришдилар. 1964 ва 1966 йилларда табиий офат — сув тошқини юз бериб, пичанзор ва озуқабоп экинлар сув остида қолганлиги, қишки чорва бинолари ва қудуқлар бузилганлиги, хўжаликнинг бир неча марта янги жойларга кўчишга мажбур бўлганлиги, янги чорвачилик бинолари ва қудуқлар қуришга кўп миқдорда маблағ сарфланганлигига қарамай, чорвадорлар қатъият билан меҳнат қилганликлари туфайли бултур энг кўп фойда олинган йил бўлди. Шу йили қорамолларни ўстириш ва бўрдоқига боқиб семиртириш йўли билан 130 минг сўм соф фойда олинди.

Ўтган йилнинг 1 январида боқувда 2857 бош мол бор эди. Бунинг устига колхозлардан яна 804 бош мол қабул қилиб олинди. Колхозларнинг гўшт тайёрлаш плани юзасидан давлатга тирик вазни 2229 центнердан иборат 1113 бош юқори кондицияли мол топширилди. Бунинг 81,6 проценти ўртадан юқори семизликда. Бир йил мобайнида молларнинг тирик вазни 1114 центнер ёки ҳар бир бош молнинг вазни ўртача 100 килограмм оширилди.

Биз чорва қишловига яхши тайёргарлик кўрдик. Молларни сақлаш учун қишлик бинолар тайёрланди, қўшимча қудуқлар қазилди, сувни қудуқлардан механизмлар воситаси билан чиқариш йўлга қўйилди, моллар қишлайдиган жойга 1141 тонна дағал ҳашак ташиб келтирилди. Бундан ташқари, кўп миқдорда шоли поҳоли тайёрланди ва ташиб олинди. Қиш бошлангандан буён ўзимизга ажратилган концентрат озуқаларни тўхтовсиз ташиб келтиряпмиз.

Чорвадорлар юбилей йилининг I ва II кварталларида колхозларнинг гўшт тайёрлаш плани ҳисобига давлатга топшириш учун 815 бош молни боқиб семиртирмоқдалар. Уларнинг ҳар бири тирик вазни камида 220 килограмм бўлгани ҳолда ўртадан юқори семизликда давлатга топширилади. Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги нишонланадиган кун — 7 ноябргача эса биз давлатга тирик вазни 3227 центнердан иборат 1467 бош молни топширамиз. Ана шу молларнинг 93-99 проценти ўртадан юқори семизликда бўлади. Бундан ташқари, 577 бош сигир ва гунажиндан камида 560 та бузоқ олинади ва уларнинг ҳаммаси тўла сақлаб колинади. Бу йил молларни семиртириш йўли билан 1613 центнер гўшт етиштирилди. Бу — 1966 йилдагидан 499 центнер кўпдир. Айни вақтда олинадиган соф фойданинг миқдори ҳам бултургига нисбатан 20 минг сўм кўпайтирилади. Коллективимиз аъзолари юбилей йили учун олган юксак мажбуриятлар ана шулардан иборат.

Хўжалигимиз юксак даражада рентабелли кооперативлашган корхона ҳисобланади. Биз асосий ишлаб чиқаришдан олинган фойда ҳисобидан барча колхозларга уларга тегишли ҳиссани бердик, давлат банкасидан олинган қарзларни тўладик ва колхозлардан қабул қилиб олинган қорамолларнинг пулини уздик. Ҳозирги вақтда хўжалигимизнинг 1530 бош қорамоли бўлиб, уларнинг қиймати давлат тайёрлаш нархлари билан ҳисоблаганда 320 минг сўмга тенгдир. Бундан ташқари, биполар, тракторлар ва транспорт воситаларидан иборат 70 минг сўмлик асосий фондимиз ва давлат банкасидаги счётимизда 110 минг сўм маблағимиз бор. Мавжуд озуқа, ёнилги ва бошқа материалларнинг қийматини ҳисобламаганда ҳам, ҳозир хўжалигимизнинг ўз маблағлари 500 минг сўмни ташкил этади. Бу маблағ колхозлардан қабул қилиб олинган қорамолларни ўстириш ва бўрдоқига боқиб семиртириш йўли билан олинган соф фойдадан ташкил топган.

Ўтган олти йил мобайнида ишлаб чиқаришни юксалтиришда эришилган жуда катта муваффақиятлар билан бир қаторда ҳали катта камчиликларимиз ҳам бор. Хўжаликнинг шу кунгача марказий посёлкаси йўқ. Идора учун бино, материалларни сақлаш учун омбор, озуқа сақланадиган жой, автомобиль ва тракторлар учун гараж, доимий чорвачилик бинолари, энг муҳими озуқа базасини вужудга келтириш имкониятини берувчи ҳайдаб экин экишга яроқли еримиз йўқ. Илгари сотиб олинган автомобиллар, тракторлар ва бошқа хил техника воситалари кўп хизмат қилганлиги натижасида ҳозирги вақтда яроқсиз ҳолга келиб қолган. Йирик чорвачилик хўжалиги бу аҳволда ўз фаолиятини нормал давом эттириши қийин. Унинг ишини янада яхшилаш учун Тўртқўл шаҳри яқинида камида 120-150 гектар сувли ер ажратиб берилиши ва ана шу ерга мустаҳкам озуқа базаси вужудга келтириш учун экинлар экиш билан бир қаторда, марказий усадьба қурилиши лозим. Чунки молларни фақат яйловда боқиш ва давлат томонидан бериладиган концентрат озуқалар билан ўстириш мумкин эмас.

Бундан ташқари, тегишли қурилиш ташкилотлари бизга ишлаб чиқариш, уй-жой бинолари қуришда ёрдам беришлари зарур. Бунинг учун етарли миқдорда маблағимиз бор. Хўжалигимизда ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва миқёси кенгайиб бораётганлиги муносабати билан бизга зарур миқдорда автомашиналар, тракторлар ва бошқа хил техника берилиши лозим.

Коллективимиз юбилей йилида хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолиятини янада кенгайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, молларни ўстириш ва боқиб семиртириш йўли билан уларнинг тирик вазнини ошириб, гўшт етиштиришни 1966 йилдагига нисбатан камида 45 процент кўпайтириш, Улуғ Октябрнинг 50 йиллик кунигача давлатга колхозларнинг плани ҳисобига гўшт сотиш йиллик топшириғини тўла-тўкис бажариш учун курашга бутун куч-ғайратини сарфлайди.

С. САИДОВ,
Тўртқўлдаги колхозлараро ихтисослаштирилган чорвачилик хўжалиги директори.



АНДИЖОН шаҳридаги бадиий буюмлар фабрикаси комсомол-ёшлари орасида Ҳабиба Ниёзова алоҳида намуна кўрсатиб меҳнат қилмоқда. Суратда: смена топшириқларини 120 процент бажараётган ишчи ўртоқ Ҳ. Ниёзова.

А. Зайниддинов фотоси.

ТАЛЛИМАРЖОНГА СУВ КЕЛДИ

Қарши даштини ўзлаштирувчилар посёлкаси бўлган Таллимаржонга ичимлик сув етиб келди. Бу ерга сув 70 километр узунликдаги қувур орқали келмоқда. Бинокорларнинг уйларидаги кранлар, кўчалардаги колонкалар ишлай бошлади.

Сунъий дарёнинг бу пўлат ўзани Амударё соҳилидаги Қизилқўқдан бошланади. Бу ерда Олтита чуқур қудуқ пармаланди. Анча баландликда жойлашган бинокорлар посёлкасига бу зилол ичимлик сувни насос станциясининг агрегатлари юбориб туради.

Қувур трассаси Қарши даштида қурилаётган магистрал канал билан ёнма-ён қурилган. Водопровод ана шу улкан канал қурувчиларини ва қўриқ ерларни ноёб насос станциялар каскадини сув билан таъминлаб туради. (ЎзТАГ).

ХАБИБИЙ

ПИЁЛА

Тошкентда ишланибдур жононнамо пиёла,
Боқсам кўзимга бергай нуру зиё пиёла.

Жонон десам ажаб йўқ, зарҳал, гўзал, музайян,
Чертсам нулиб жаранглаб қилгай садо пиёла.

Хушнусха, юпқа, нозик, атрофи ложувард, оқ,
Қўймас кўнгилда ғамни бир ғам эудо пиёла.

Тошкент замини олтин, тупроғи созу енгил,
Ишланса яхши бўлгай қиммат баҳо пиёла.

Бир жўра чой ичилса келгай кўзига наққош,
Билмамки жоми жамшид бўлмиш бу ё пиёла.

Файзу тараб ёғилгай базм ичра барча масрур,
Айланса элга бергай найфи сафо пиёла.

Тургай нулиб оқ олтин кўк ложувард ичинда,
Бир-бирга нақшу ранги хўб жо-бажо пиёла.

Ким кўрса офарин дер нақшу раҳбарига
Чойни ичиб қўлидан ўтгунча то пиёла.

Бўлмиш магар Хабибий, тупроғи тоза биллур,
Меҳнат билан бўлибдур чин кимё пиёла.

САЙЛОВДАН САЙЛОВГАЧА

БОБО ҚАЛҚОН

Колхоз бухгалтерисидан чўтнинг «чиқ-чиқ»и эшитилади. Хона тўридаги стол ёнида ўтирган қора қош йигит қалин дафтарга нималарнидир ёзиб бўлгач, қаддини кўтарди.

— Ҳамро ака оиласининг даромади салкам 7 минг сўм бўпти, — деди у ҳамроҳига.

— Соз! Яна битта «Волга» олсалар арзир экан, — жавоб қилди ёрдамчи бухгалтер севиниб.

— Залга рўйхат осиб қўйсак. Ҳар бир киши ўзининг ҳисобини кўриб кетаверади.

Бу таклиф кўпчиликка маъқул бўлди. Эртаси куни хўжалик аъзоларининг йиллик даромадларини кўрсатувчи рўйхат илора деворига осиб қўйилди. Рўйхат атрофига тўпланганлар ўртасида гап айланиб, қишлоқ меҳнаткашларининг ўтмишига бориб тақалди.

Дарвоқе, Бобо қалқонликлар Коммунистик партия раҳбарлигида катта кураш йўлини босиб ўтдилар. Қадимда қишлоқ атрофини яшноқ, зах, шўр босиб ётарди. Одамлар пастқам ғувала уйларда ҳаёт кечиришарди.

Узоққа бормайлик. Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга бўлиб ўтган сўнгги сайловдан буён Бобо Қалқонда катта ўзгаришлар бўлди. Чунончи, қишлоқ йўллари асфальт қилинди. Айрим чекка қишлоқларни колхоз маркази билан боғловчи йўлларга шағал тўкилди.

Қишлоқ Советининг депутатлари қишлоқ ободончилиги йўлида ташаббус ва ғайрат кўрсатиб меҳнат қилишди. Хутор типидаги майда қишлоқлар бош план асосида қайта қурилди. Янги йўллар чиқарилди, кўприклар созланди. Қишлоқда фақат ўтган йилнинг ўзида 120 хўжалик янги уйларга кўчиб ўтди. Майда таркоқ қишлоқларнинг посёлка типида марказлаштирилиши барча хонадонларни электрлаштириш, радиолаштириш имконини берди. Шу кунларда Бобо Қалқондаги кўп хонадонларда Бухоро гази ёнмоқда. Кейинги икки йил ичида қишлоқда 740 ўринли мактаб, касалхона, магазин, меҳмонхона, сартарошхона, кутубхона ва бошқа маданий-маиший бинолар қурилиб фойдаланишга топширилди. Буларнинг ҳаммаси қишлоқ меҳнаткашларининг маданий турмуш даражасини ошириш имконини берди.

— Қишлоғимиз шаҳарчага ўхшайди, — дейди қишлоқ Советининг депутати, болалар боғчасининг мудири Турсун опа Бозорова.— Бу ерда барча қулайликлар бор.

Дарҳақиқат, Навоий районидаги «Бухоро» колхозининг Бобо Қалқон қишлоғини кўрганлар яна бир кўрсам дейди. М. Обидов, Х. Эшмуродов сингари колхозчилар далага ўз машиналарида боришади.

Колхоз пахтакорлари ўтган хўжалик йилини барча соҳа бўйича юқори кўрсаткичлар билан якунладилар. Натижада, колхознинг умумий даромади 1965 йилдагига нисбатан 1,5 баравар ортди. Қишлоқ меҳнаткашлари катта даромаднинг талай қисмини қишлоқларни ободонлаштириш учун сарфламоқдалар.

Қишлоқ меҳнаткашлари Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларининг бўлажак сайловларига пухта ҳозирлик кўрмоқдалар. Бу ерда сайловчиларни рўйхатга олиш тугалланди. Шинам безатилган агитпунктда сайловчилар илгариги сайловлардан буён ўтган давр мобайнида юз берган ўзгаришларни қайд қилиш билан бирга қишлоқнинг келажаги ҳақида баҳслашмоқдалар. Беш йиллик план режаларини муваффақиятли бажариш резервларини қидириб топмоқдалар. Бу ерда 20 дан ортиқ лектор, агитаторлар сайловчилар ўртасида КПСС XXIII съезди қарорлари ва партия Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари материалларини кенг пропаганда қилаётирлар. Х. Мухторов, Т. Бозорова, Х. Эшмуродов сингари ширин сухан агитаторлар кўпчилик ҳурматини қозонмоқдалар. Улар агитация ишларини юбилей йили топшириқларини муваффақиятли бажариш резервлари билан боғлаб олиб боришаётир.

Бобо Қалқон қишлоғининг азаматлари Улуғ Октябрнинг шонли 50 йиллиги ва В. И. Ленин туғилган кунинг 100 йиллигини меҳнатда ҳамда маданий ҳаётда юксак кўрсаткичлар билан кутиб олиш йўлида жонбозлик кўрсатишмоқда.

Т. НАЗИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

«ЖАНГОВАР ҚАЛАМ»

Юбилей йили... Бутун мамлакатимиз Совет ҳокимиятининг 50 йиллигига катта тайёргарлик кўрмоқда. Ярим аср тарих учун қиска муддат, лекин шу ўтган давр ичида бизнинг Ватанимизда мислсиз ғалабалар қўлга киритилди.

Бу шарафли санага «Жанговар қалам» плакатчилари ҳам муносиб тайёргарлик кўришмоқда. «Жанговар қалам» юбилей йилида ҳам тема, ҳам мазмун жиҳатдан анча бойийди. Ҳар ойда ўзбек ва рус тилларида ўн номда плакат чиқариш мўлжалланган. Шунингдек, энг яхши, таъсирчан плакатлардан кўргазмалар ташкил этилади.

«Жанговар қалам» плакатларига Ўзбекистонда эҳтиёж катта. Йилдан-йилга обуначилар сони ортиб бормоқда. Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, кейинги йилларда колхозсовхозларда «Жанговар қалам»га обуна айниқса яхши ўтмоқда.

«Жанговар қалам» атрофига уюшган рассомлар зўр ижодий уюшқоқлик кўрсатиб, янги-янги асарлар яратиб, обрў-эътибор қозонишмоқда. Бу коллективда сидқидилдан меҳнат қилаётган рассомлардан Н. Иброҳимов, Ф. Кагаров, М. Воробейчиков, Н. Тен, В. Евенко, Б. Жуков, Г. Ткачевларнинг номи кўпчиликка яхши таниш.

Ўтган йилнинг июнь ойида Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари плакатчиларининг Душанба шаҳрида бўлиб ўтган конференциясида «Жанговар қалам» коллективи ишлари ҳам муносиб тақдирланди. Бир неча асарларга Бутуниттифоқ дипломлари берилди.

«Жанговар қалам»чилар ҳозирги кунда айниқса зўр кўтаринкилик билан ижод қилмоқдалар. Ҳар бир мавзуни таъсирчан, қизиқарли, ёрқин ва сермазмун талқин этиш учун бутун маҳорат ва имкониятни ишга солиб, янги-янги плакатлар яратмоқдалар.

В. ДОЛИНСКАЯ.

Абу Наср Форобий

МАДАНИЙ ВА ИЛМИЙ МЕРОСИМИЗ САҲИФАЛАРИ

Кўп сонли газетхонларимизнинг Ўрта Осиёдан етишиб чиққан буюк мутафаккир, олим, шоирларнинг ҳаёти ҳамда ижодига қизиқиши ортиб бораётганлигини, бу тўғрида материаллар ёритиш ҳақидаги истакларини назарга олиб, «Совет Ўзбекистони» газетасида «Маданий ва илмий меросимиз саҳифалари» рубрикаси очишни лозим топдик.

Бугун Абу Наср Форобийга бағишланган саҳифадаги материалларни ўқийсиз.

ДУНЁ ФОЗИЛЛАРИ ФОРОБИЙГА ТАЪЗИМ ЭТАДИЛАР

Маълум бўлсинким, клерикал руҳонийларнинг вакиллари Абу Насрни динсизликда айбладилар. Бунинг сабаби шундаки, Форобий грек файласуфларининг фикрларига бағишланган асарларида дунёни абадий дейди ва жисмоний тирилишни (гап диннинг «нариги дунёда одамлар қайта тириладилар» деган ақидаси устида боради) инкор этади.

АЛИ АКБАР ҲУСАЙНИЙ,
XVII аср тарихчиси.

●

Бутун мусулмон шарқининг буюк мутафаккири ал Форобий жуда зўр асарини ёзиб тугатди («Идеал шаҳар аҳолиларининг фикрлари» асари ҳақида гап боради). Бу гениал инсон грек фалсафасидаги энг мураккаб масалаларнинг нозик томонларини англаб етди ва ёритиб берди. Ғарбда ўз фазилатларидан кўра ортиқ мақтовга сазовор бўлган Абу Али ибн Синонинг ўзи 150 йилдан сўнг иқрор бўлишича, Аристотелининг «Метафизикаси»ни Форобийнинг шу ҳақда ёзган шарҳлари билан танишгандан сўнггина тушунишга муяссар бўлган. Шунинг учун ҳам Шарқда фалсафани ҳақиқатда илмий ишлаб чиққан киши деб Форобийни ҳисобламоқ зарур.

А. МЮЛЛЕР,
XIX аср йирик немис шарқшуноси.

●

Форобий ислом фалсафасига логик назарияни олиб кирди ва уни билимнинг методи, оргагони сифатида тушунди... Форобий барча логик системани қўриб чиқди ва тафаккур тузилишининг ҳар қандай қисмларининг, улар дедукция бўлса ҳам индукция бўлса ҳам, аҳамиятини аниқлаб берди.

АЛ ЭҲВОНИЙ,
араб олими.

●

Ўз даврининг машҳур ҳокими Форобий кўп миқдорда оригинал асарлар яратди... Форобий мероси ниҳоят даражада бой ва ранг-баранг дир. У ўша даврдаги барча маълум бўлган илмларни — этикани, психологияни, табиатшуносликни, музикани ўрганди, лекин унинг учун фалсафа биринчи ўринда турар эди... Форобий яхши математик эди, ўша даврдаги медицинанинг назарий масалаларини дуруст билган. У музика назарияси бўйича ҳам қатор асарлар яратди, бастакор сифатида машҳур бўлди ва янги музика асбоби кашф этди.

Е. Э. БЕРТЕЛЬС,
атоқли совет шарқшуноси.

АҲЛОҚ, ОДОБ ҲАҚИДА

ДОНО ДАҲО БИСОТИДАН

«Ақлли» деб шундай кишига айтамизки, унда ўткир зеҳн, идрок бўлиши билан бирга, фазилати ҳам бўлсин. Бундай киши ўзининг бутун қобилияти ва идрокини яхши ишларни амалга оширишга, ёмон ишлардан ўзини сақлашга ва тортишга қаратган бўлмоғи лозим. Шундай одамнигина ақлли ва тўғри фикр юритувчи деб аташ мумкин.

Ёмон ишларни ўйлаб топишда зеҳн-идроққа эга бўлганларни «ақлли» деб бўлмайди, уларни «айёр», «алдоқчи» деган номлар билан атамоқ лозим.

* * *

Ҳар кимки, илм-ҳикматни ўрганаман деса, уни ёшлигидан бошласин, соғ-саломатлиги яхши бўлсин, яхши аҳлоқ ва одобли бўлсин, сўзининг уддасидан чиқсин, бузуқчилик ишлардан сақланадиган бўлсин, ҳиёнат, макр ва ҳийладан узоқ бўлсин, диёнатли бўлсин, барча қонун-қоидаларни билсин, билимдон ва нотиқ бўлсин, илмли ва ҳаким шахсларни ҳурмат қилсин; илм ва аҳли илмдан мол-дунёсини аямасин, барча реал моддий нарсалар тўғрисида билимга эга бўлсин.

* * *

...Файласуфнинг одати, ахлоқи ҳам ўз касбига лойиқ, худди туғмадек бўлиши керак. Шунингдек, ўзи униб ўсган, ўз халқининг раъйини ва ўз халқида бўлган энг яхши фазилатларни қаттиқ тутган (яъни уларга риоя қилган) бўлиши керак... Файласуф бўлмоқчи бўлган одам ўз ахлоқи ва хусуситлари билан бу айтилган шартларга жавоб беролса, шундан кейин у фалсафа билимини ўрганишга ва уни бошқаларга ўргатишга киришуви мумкин.

* * *

Инсонийлик моҳияти ҳақиқий бахт-саодатга эришув экан, инсон бу мақсадни ўзининг олий ғояси ва ниятига айлантириб, бу йўлда барча имкониятлардан фойдаланса, у бахт-саодатга эришади.

* * *

Одамларга нисбатан уларни бирлаштирувчи бошланғич асос инсонийликдир, шунинг учун ҳам одамлар инсоният турмушига кирганликлари учун ўзаро тинчликда яшамоқлари лозим.

* * *

Инсон яхши тарбия кўрмаган ва турмушда тажриба орттирмаган бўлса, у кўп нарсаларни назарга илмайди ва улардан жирканади. Бундай нарсалар унга ноўрин кўринади... У билим ва тажрибага эга бўлгандан сўнг фикри ўзгаради, ноўрин бўлиб кўринган нарсалар зарурий бўлиб чиқади.

ФОРОБИЙ — ШОИР

Манбаларда кўрсатилишича, Форобий шоир ҳам бўлган; унинг форс тилида ёзилган айрим фалсафий мазмундаги рубоийлари турли тўплам — мажмуалар орқали етиб келган.

Масалан, 1878 йилда Теҳронда нашр этилган «Мажму ал фусаҳо»да қуйидаги форсча рубоий Абу Наср Форобийга нисбат берилади:

Асрори вужуд ҳом нопухта бимонд,
В-он гавҳари бас шариф носуфта бимонд.
Ҳар кас ба далили ақл чизи гуфтанд,
Он нуқтаки асл буд, ногуфта бимонд.

(Вужуд сирлари пишмай) ўз хомлигича қолиб кетди. Бу қимматбаҳо бир гавҳар тешилмаганича (ўзни кондан олиниган гавҳардай ишланмаганича) шундан қолиб кетди. Ҳар ким (вужуд сирлари ҳақида) ўз ақлининг йўл кўрсатиши билан бирор нарса айтди-ю, лекин (асосий) нуқта айтилмай қолиб кетди).

ДОНИШМАНД ҲАҚИДА ҲАҚИҚАТ ВА АФСОНАЛАР

СЕҲРЛИ ҒИПЧАК

Форобий Рай (Теҳрон) шаҳрига борибди ва давлат вазири Соҳиб Оббод билан учрашмоқчи бўлибди. Улар бир-бирларининг хислат ва одиллиги тўғрисида жуда кўп марта эшитган эканлар. Соҳиб Оббод Форобийнинг донишмандлиги ва машҳурлиги тўғрисида жуда кўп хабарларни эшитган ва унинг донолигидан манфаатдор бўлиш орзусида экан.

Форобийни ҳеч ким танимас экан, шунинг учун у сарой мажлисига кирганда, ҳеч ким унга эътибор қилмабди. Форобий олимларга ўхшаб эмас, оддий кийимда келибди. У бир соат чамаси ўтиргандан сўнг, вазир шарафига зиёфат бошланибди. Шунда Форобий ёнидан бир музика асбобини олибди, бу асбобни Форобий ўзи кашф этган бўлиб, кўринишги кичик қовоққа ўхшаб кетар экан ва «ғипчак» (ҳозирги гижжак бўлса керак) деб юритилар экан.

Форобий бу асбобда қуйнинг биринчи қисмини чалганда, ўтирганларнинг ҳаммаси машқдан ниҳоятда хурсанд бўлишибди ва қулишибди. Қуйнинг иккинчи қисми эшитувчиларни йиғлатибди, улар қондек қўл ёшларини тўкибдилар: учинчи қисми ижро этилганда эса уларнинг ҳаммаси қаяҳонга тушибдилар-да, сўнг ухлаб қолибдилар. Шунда Иккинчи муаллим (ал муаллим ал Соний — Форобий; Шарқ фалсафасида у шундай унвон билан юритилган. Уни ҳамма фалсафа соҳасида Аристотелдан сўнгги Иккинчи муаллим деб билган — М. Ҳ.) ғипчакнинг дастасига «Форобий келди, шу ерда бўлди ва кетди» деб ёзиб кетибди. Соҳиб Оббод уйғониб, ўзига келгандач сўнг кўп машиноқларни чақирибди, лекин уни (Форобийни) топа олмабди.

Ғипчакнинг дастасидаги ҳатни кўриб жуда ҳафа бўлибди ва: «Роҳат қилишнинг сирларига эришганингда, унинг қойиб бўлганлиги билиб қоласан», дебди. Соҳиб Оббод Иккинчи муаллимни ҳанчалик қидиртирмасин, топа олмабди, чунки у (Форобий) шу куниёқ Дамашққа йўл олган экан.

ҲОКИМ ҲУЗУРИДА

Кунлардан бир куни Дамашқ ҳокими Сайфут Довла ҳузурида олимлар йиғилиши бўлаётган экан. Форобий унинг олдига кирибди ва сўрашибди. Сайфут Довла унга қараб: «Ўзингга лойиқ жой топиб ўлтир»,— дебди. Иккинчи муаллим тахтининг рўпарасига бориб ўлтириб олибди. Ҳоким буни кўриб жаҳли чиқибди-да, хизматчисига қараб қандайдир бир номаълум тилда шундай дебди: «Бу турк (Форобийни айтмоқчи — М. Ҳ.) иззат-ҳурмат қоидаларига риоя қилмади, шунинг учун у ўрнидан турганда жазо бериғиз».

Шунда Форобий унга: «Мен нима гуноҳ қилдимки, менга жазолашга буюрдингиз?» деган экан, ҳоким ҳайрон бўлиб, Форобийдан «халқда бу тилни ҳеч ким тушунмайди, сен уни қердан биласан ва кимдан ўргандинг?» — деб сўрабди. Абу Наср унга: «Мен барча тиллар билан танишман», деб жавоб қайтарган экан. Шунда олимлардан бири қандайдир саволни ўртага ташлаган экан, унга жавоб топишга қийналиб қолишибди. Шунда Иккинчи муаллим бу масалани тушунтириб берибди ва ҳеч ким у билан мунозара қилолмабди.

СУҲБАТДОШ

Сайфут Довла Форобийга катта ҳурмат кўрсатиб унга хазинасидан истаган нарсани олишга таклиф этибди. Форобий бу таклифни рад этибди ва хазинадан олинадиган 4 дирҳам билан кун кечирибди.

Бир куни Иккинчи муаллим бозорга борган экан, келишган ва чиройли этикдўз йигитни кўриб қолибди. У тиши билан михни тишлаган сўгуриб олаётган экан. Иккинчи муаллим буни кўриб, ундан: «Шундай меҳнат қилиб неча пул топасан?» — деб сўрабди. Йигит: «2 дирҳам», — деб жавоб берибди. Иккинчи муаллимнинг йигитга раҳми келиб, унга подшо хазинасидан ҳар куни оладиган 4 дирҳамини берадиган бўлибди ва этикдўз йигит Иккинчи муаллимнинг якин суҳбатдоши бўлиб қолибди.

ОЛИМ ВА МУТАФАККИР

Бой маданий меросга эга бўлган Ўрта Осиё халқлари ўзининг узоқ тарихи давомида ажойиб меморчилик ёдгорликларини, санъат намуналарини яратди, ўз асарлари билан дунё маданиятига катта ҳисса қўшган ал-Фарғоний, ал-Хоразмий, Ибн Сино, Бируний, Маҳмуд Қашғарий, Улуғбек, Алишер Навоий каби буюк сиймоларни етиштирди. Булар орасида Абу Наср Форобий ҳурматли ўринлардан бирини эгаллайди. Форобийни фақат Ўрта Осиёнинггина эмас, балки Ўрта аср Яқин ва Ўрта шарқ фалсафасининг оксоқоли деб аташ мумкин. Буюк Ибн Сино Форобий асарларидан таълим олди, унинг ғоялари таъсирида тарбияланди. Форобий IX—X асрларда яшаб, ижод қилди. 873 йилда ҳозирги Тошкентнинг ғарбий-шимолида Сирдарё бўйларидаги Фороб (сўнгроқ Ўтрор) деган жойда онлада дунёга келди.

Форобий бошланғич маълумотини ўз ватанида олди, Бухорода ўқиди ва ўша даврнинг энг йирик маданий марказларидан ҳисобланган Бағдод ва Дамашқ шаҳарларида илмини такомиллаштириб, замонасининг ўткир алломаси, файласуфи бўлиб танилди. Манбаларда унинг Ўрта Осиё, Эрон ва Арабистоннинг турли шаҳарларига, Миср-га саёҳат қилганлиги ҳикоя қилинади. Форобий бутун умрини илмга бағишлади. Дамашқда 950 йилда вафот этди.

Форобий яшаган ва ижод этган даврида Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида араб феодал давлати—халифалиги қучайган бўлиб, Ўрта Осиё ҳам узоқ қонли жанглар ва турли ҳийла-найранглардан сўнг араб ҳукмронлигига бўйсундирилган эди. Араб истилочиларига нисбатан юқори маданиятга эга бўлган Ўрта Осиё халқи ташқи босқинчиларга кескин қаршилик кўрсатди ва узоқ йиллар давомида мустақиллик учун курош олиб борди. Эрон, Озарбайжон ва бошқа жойларда ҳам босқинчилик зулмига қарши бутун халифаликни ларзага солган катта халқ қўзғолонлари бўлиб ўтди.

Форобий Ўрта аср илмининг барча тармоғини, қатор тилларни пухта ўрганди. У юнон фалсафаси, хусусан Аристотель асарларини қунт билан ўзлаштирди. Ўз ижодида ҳам юнон фалсафасининг ютуқлари, айниқса Аристотель ғояларини тарғиб қилишга, ривожлантиришга жуда катта эътибор берди.

Шуни таъкидлаш лозимки, Аристотель Ўрта аср шарқида ақл ва идроснинг ҳомийси, ҳамма илмларнинг муаллими «биринчи муаллим» ҳисобланиб, тенги йўқ обрў ва мислсиз ҳурматга эга эди.

Форобий Бағдодда Аристотель асарларини ўрганибгина қолмасдан, уларнинг барчасига илмий шарҳлар ёзди. Унинг қадимги юнон олимлари Птоломий, Эвклид, Гален, Зенон, Платон, Александр Афродезий кабиларнинг асарларига ёзган илмий шарҳлари ҳам машҳур.

Форобий қадимги грек маданияти, табиатшунослиги, фалсафаси ютуқларини реакцион диний — мистик таълимотлардан тозалаш, уни илмий ўрганиш ва тарғиб қилиш ишига беқиёс ҳисса қўшди. Тадқиқотчиларнинг эътироф этишича ҳақиқий Аристотель (Арасту) шарҳда Форобий туфайлигина танилди ва обрў қозонди. Лекин Форобий илмий меросининг асосий қисмини шарҳлар эмас, балки Ўрта аер илмининг турли соҳаларига бағишланган мустақил илмий тадқиқотлар, оригинал асарлар ташкил этади. У табиёт, химия, математика, астрономия, физика, грамматика, шеър назарияси, музика назарияси, фалсафа, логика, психология, ахлоқ, давлатшунослик, ҳуқуқшуносликка оид 160 га яқин рисолалар яратди.

Форобий ортодоксал ислом идеологияси билан дунёвий илмларга асосланган илғор фалсафий фикрлар орасидаги кескин ғоявий курашда прогрессив позицияда турди, кўрқўрона ишонишга асосланган диний ақида ва эътиқодларни рад этган ҳолда ақл ва идрок, мантиқ ва илмни ҳимоя қилади. У диний мафкура, мистика ҳукмрон даврда илғор ғояларнинг фалсафий асоси бўлган ва исломдаги оламнинг бирданига, тўсатдан ҳудонинг ижодий фаолияти натижасида вужудга келиши тўғрисидаги таълимотга зид турган пантеистик (вужудиён) назариясини ривожлантирди. Табиат ва ҳаётнинг бирлиги ҳақидаги бу назария Форобий учун табиат ва табиий ҳодисалар ҳақида, ундаги сабабият ва қонуниятлар, ўсимлик ва ҳайвонот олами, ҳаракат, ранг, инсон жамоаси каби моддий нарсалар ҳақида кенг мулоҳаза юритиш ва материянинг абадийлиги ҳақидаги ажойиб материалистик хулосага келиш имкониятини берди. Ўзининг «Жисм ва сифатлар мавжудлигининг асослари», «Субстанция ҳақида», «Масалалар манбаи» каби қатор рисолаларида турли шаклларга кирувчи, турли сифатларга эга бўлувчи материянинг, моддий нарсаларнинг йўқолмаслиги ва чексизлиги ҳақидаги фикрни олға сурди.

Форобий шунинг учун ҳам тўғри фикр юритишнинг қонун-қоидалари ҳақидаги мантиқ илмига жуда катта эътибор беради ва уни диннинг ақидаликка асосланган догматик методига қарама-қарши қўяди.

Ўзининг «Логикага кириш», «Логика илмига муқаддима», «Фалсафий савол-жавоблар», «Ҳикмат асослари» каби асарларида у илмий метод масалаларига жуда катта эътибор беради.

Форобийнинг жамиятшунослик, ижтимоий ҳодисаларни ўрганиш соҳасидаги хизматлари ҳам тақиқлочилар томонидан жуда юқори баҳоланади. Инсон жамоасининг вужудга келиши, ундаги турли иқтисодий ва аҳлоқий муносабатлар, давлат тузилиши, давлатни идора этиш, турли ижтимоий гуруҳларнинг алоқалари каби қатор масалалар унинг «Идеал шаҳар аҳолиларининг фикрлари», «Инсониятнинг бошланиши», «Идеал жамоа» каби асарларида илғор позициядан ғоявий ёритилиб берилгандир. У ижтимоий масалаларда ҳам диний тасаввур ва ақидалардан узоқ турди. Инсон жамоаси оллоҳ хоҳиши ва бойлиги билан қратилмаган, аксинча яшаш учун зарур бўлган моддий эҳтиёжларни қондириш жараёнида инсонлар ўзаро муносабатга киришганлар ва шу йўл билан одамлар жамоаси табиий йўсинда вужудга келгандир. У босқинчиликка, алдаш ва ҳийлагарликка, зулм ва зўрликка асосланган жамоани кескин қораладди, ўз замонасида кенг тарқалган феодал урушларини инсон табиатига ва асл мақсадларига зид деб билди.

Инсоннинг табиат кучлари устидан ҳоким бўлиб вужудга келиши ва туғилишидан мақсад энг етук бахт-саодатга эришишдир. Бу бахт-саодатга етишув инсоннинг ўз қўлидадир. Форобий таълимотига кўра инсон ўз тақдири билан туғулмайди, балки ўз тақдирини ҳаким ўзи яратади. Етук бахт-саодатга ерда, инсон яшаб турган жамоатда эришув мумкин, жаннат, ўлимдан сўнгги лаззат ва бахт ҳақидаги фикрларнинг ҳаммаси инсонларни алдаш учун яратилган афсона ва уйдирмалардир.

Форобий ёшлар тарбиясига катта эътибор берди ва ақлга, илмга асосланган олий ахлоқий фазилатларни тарбия қилиш масаласи устида фикр юритди.

Форобий назариётчи, замонасининг илғор файласуфи бўлиш билан бирга музика соҳасида ҳам ўчмас из қолдирди. У замонасининг энг ўткир музикашуноси, моҳир музиканти. У ажойиб музика асбобини кашф этди, «Музика ҳақида катта китоб» деб аталувчи 8 қисмдан иборат бўлган фундаменталь асари билан музика тарихини, унинг асосий назарияси, музика асарлари яратиш ва уларни ижро этиш, музика асбобларининг аҳамияти ва характеристикасига оид қатор муҳим масалаларни ўз ичига олувчи ҳақиқий музика қомусини яратди.

Бу буюк олим замонасининг ажойиб шоири ҳам эди, унинг чуқур фалсафий мазмунга эга бўлган форс ва араб тилларидаги айрим рубоийлари бизгача етиб келган.

Шарқда қадимги юнон файласуфи Аристотель «Биринчи муаллим» унвонини олган бўлса, илмининг ниҳоятда бой ва чуқурлиги, энциклопедик ақли, зўр таланти ва истеъдоди учун Форобий шарқнинг Аристотели, «Муаллими сони», «иккинчи муаллим» деган энг улуғ унвонга сазовор бўлди. Лекин у олим замонасидан илтифот кўрмади. Ўзининг илғор фикрлари учун реакцион руҳонийлар ва ислом идеологлари томонидан бидъатда, диндан қайтишда айбланди ва таъқиб қилинди. У умр бўйи уйсиз, жойсиз, шаҳарма-шаҳар саргардонликда, машаққатда умр кечиришга, ўз қўл меҳнати билан кун кўришга мажбур бўлди. Манбалар унинг ниҳоятда камтар, оз билан қаноатланувчи шахс эканлиги, ўз ватанини қумсаб, доимо туркий либос кийиб юрганлиги, лекин ғурурли ва ёлғиз бўлганлиги, ҳоким, вазирларнинг саройида хизмат қилишдан, уларнинг илтифотидан бош тортганлигини ҳикоя қиладилар.

Форобий асарлари илғор ғояларга бой бўлсада, лекин у замонасининг ҳукмрон диний-мистик идеологиясининг таъсиридан бутунлай қутулолмади. Унинг дунёқараши зид фикрлардан холи эмас, ва бу зиддият—турли қарама-қаршилик ва муаммоларнинг мажмуидан иборат бўлган феодал воқелигининг ифодаси эди.

Форобийнинг илғор дунёқараши сўнгги прогрессив ижтимоий фалсафий фикрлар тараққиётининг мазмуни, йўналишини белгилаб берди, ҳур фикр ва эркин ғояларнинг ривож топишида муҳим манбаи бўлиб хизмат қилди. Ибн Сино, Ибн Рошд, Ибн Туфайл, Умар Хайём, Ибн Халдун каби машҳур шарқ олимлари Форобий асарларидан илм ўргандилар, унинг ғояларини ривожлантирдилар, Низомий, Жомий, Навоий каби мутафаккирлар унинг фикрларидан илҳомландилар, озуқа олдилар.

Форобий Ўрта аср Европасини грек фалсафасининг ютуқлари, Аристотелнинг илғор ғоялари билан таништириш ишига катта ҳисса қўшди. У ўз асарлари билан Европадаги уйғониш даври идеологиясининг шаклланишига хизмат қилди, Сигер Брабантский, Роджер Бэкан, Стипоза каби файласуфлар дунёқарашининг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатди.

Ҳозирда ҳам Форобий бутун «мусулмон» шарқи мамлакатларида ўтмишнинг энг машҳур мутафаккири сифатида зўр ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олинади. Унинг мероси фақат Шарқ мамлакатлари маънавий маданиятининггина эмас, балки жаҳон фалсафаси тарихининг, жаҳон маданиятининг ажойиб ютуқларидан ҳисобланади.

* * *

Форобий ўлимидан сўнг минг йиллик тарих давомида бу улуғ сиймо ҳақида турли тилларда жуда бой ва ранг-баранг адабиёт вужудга келди. Унинг асарлари XII асрдаёқ қадимги яҳудий ва латин тилига, сўнгроқ эса немис, инглиз, француз, испан, форс, турк тилларига таржима қилинди ва кўп марта нашр этилди.

Буржуа олимлари Форобийнинг ижодини, дунёқарашини, меросини бузиб кўрсатишга, уни фақат юнон фалсафасининг тақлидчиси, исломнинг назариётчиси, суфи қилиб кўрсатишга ҳаракат қилиб келдилар.

Улуғ Октябрь революциясидан сўнг Совет даврида маданий меросимизни ҳар томонлама марксистик асосда ўрганишнинг кенг йўламда ривож топиши натижасида ўтмишдаги бошқа олим, мутафаккирлар қатори Форобийга бағишланган илмий тадқиқот асарлари вужудга келди. Сўнгги йиллар давомида унинг 15 га яқин асарлари биринчи маротаба рус ва ўзбек тилларига таржима этилди ва кўп нусхада нашр этилди. Хусусан Ўзбекистонда ўз ватандошимиз, порлоқ турмуш, тинч-тотув ҳаёт, мустаҳкам дўстлик, илм-маърифатнинг тантанасини орзу қилган Форобий ҳақида қатор китоблар, мақолалар нашр этилди.

Форобийнинг эзгу ниятлари бизнинг давримизда юзага чиқди. Халқимиз уни зўр ҳурмат билан тилга олади ва қадрлайди.

М. ХАЙРУЛЛАЕВ,
фалсафа фанлари доктори.

УСТОЗ ТАЪЛИМ БЕРАДИ

Назарий билимлардан хабардор бўлган етук санъаткор қайси билимда бўлмасин, шу уч нарсага эга бўлиши керак:

ҳар билимнинг усул ва қоидаларини тўла билиши лозим;

шу билимнинг турли ҳолатларида ҳосил бўлган усул ва қоидаларнинг натижаларини шарх ва изоҳ этишга қобил ва истеъдодли бўлиши керак;

нотўғри назарилга эга бўлган авторларнинг нотўғри назарияларини танқид этабилсин, хаталарини ойдинлаштира олсин.

ҚУЁШ ТУТИЛИШИ

(Астрологларнинг фикрича) жойлардан бирида, одамларнинг кўз олдиларида Ой тутилади, ўз жисми билан Қуёшнинг ёруглигини улардан тўсади. Бу нарса Қуёш тутилиши деб аталади. Шундан сўнг ердаги подшолардан бири шу воқеа сабабли ўлади.

Агар шу фикр тўғри бўлса ва шу ҳодиса ўлимни таъзо этса, у вақтда ҳамма одам ёки ҳар бир жисм агар Қуёш булут ёруғидан тутилиб қолса албатта ўлиши керак. Бундай хулосалардан жиннилларнинг табъи қандай экан?

ЕТУКЛИК ИУЛИ

Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаши ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади ва бир ўзи бундай нарсаларни кўлга кирита олмайди ва уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёжи тушади... Шу сабабли яшаш учун зарур бўлган нарсаларни бир-бириларига етказиб берувчи ва ўзаро ёрдамлашувчи кўп инсонларнинг бирлашуви орқалигина, одам ўз табиати бўйича исталган етукликка эришуви мумкин. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Шунинг учун инсон шахслари кўпайдилар ва унинг аҳоли яшайдиган қисмига ўрнашдилар, натижада инсон жамоаси вужудга келди.

БАШОРАТ

Маданий жамият ва маданий шаҳар (ёки мамлакат) шундай бўладики, шу мамлакатнинг аҳолисидан бўлган ҳар бир одам касб-ҳунарда озод, ҳамма баб-баравар бўлади, кишилар ўртасида фарқ бўлмайди, ҳар ким ўзи истаган ёки танлаган касб-ҳунарини қилади. Одамлар чин маъноси билан озод бўладилар. Бири иккинчисига хўжайин бўлмайди. Уларда одамларнинг тинчлик ва эркинликларига ҳалақит берувчи султон (яъни подшоҳ) бўлмайди.

Уларнинг ўзларидан сайланган раҳбар ёки бошликлари улар устидан ҳоким мутлақ бўлмайди, уларнинг раҳбарлари ўз ичларидан кўтарилган, синалган, энг олижаноб раҳбарликка лойиқ кишилар бўладилар. Шунинг учун бундай раҳбарлар ўз сайловчиларини тўла озодликка чиқарадилар, уларни ташқи душмандан мудофаа қиладилар. Бундай раҳбарлар ҳаммага баравар муносабатда бўладилар, ҳатто ҳамманинг манфаатини ўзларининг манфаатларидан ҳам ортиқ кўрадилар, умумнинг манфаати учун ўзларининг шахсий манфаатларидан нечадилар, халқ манфаати учун ўзларидаги куч-ғайрат ва бойликларини алмайдилар.

ФОЙДАЛИ ВА ФОЙДАСИЗ МЕҲНАТ

Тушуниш ёдлашдан яхшироқдир, чунки ёдлаш кўп жузъий тушунчалар ва шахсларни (ёд олишдан) иборатдир ва бунинг (яъни ёдлашнинг) чегараси йўқдир ва у (ёдлаш) ҳеч қачоч сўзлаш (турларига) ва шахсларга бойиш ва тўлиш чегарасига етолмайди.

Чексизликка интилган ишининг меҳнати фойдасиз меҳнатдир.

Тушуниш эса (нарсаларнинг) моҳияти, умумий қонда ва қонунлар тўғрисидаги ҳаракат бўлиб, уларнинг охири бор ва чегараланган ҳамда умумлаштирилгандир.

Бундай ҳаракатга интилган киши бефойда меҳнат қилмайди.

Шунингдек, ҳақдирки, инсон фаолиятига таққослаш, сифат, тадбирлилик, (ҳодисаларни) олдиндан билиб олиш ҳосдир, кишига ёд олган жузъий тушунчалардаги билим асосида иш қилиш тўғри келса, ундай ҳолда у хато ва чалкашлик хавфидан холис бўлмайди, чунки кишиларнинг ишлари барча муносабатларда ҳам бир-бирига ўхшаймайди.

ФОРОБИЙ АСАРЛАРИДАН.

Форобий асарларининг муқоваси ва унга бағишланган асарлардан.

ТОШКЕНТ ҚУРИЛИШЛАРИ



Тошкентни қайта тиклаш учун кураш мусобақаси кун сайин қизғин тус олмоқда. Қардош бинокорлар бу соҳада айниқса ғайрат кўрсатишяпти. Суратларда: юқоридан пастга: 1. Украина кварталида бунёд этилаётган кварталда янги тикланган бинолар. 2. Донецкдан келган бинокорлар янги йил арафасида 50 квартирали уйлардан иккитасини фойдаланишга топширган эдилар. Ҳозир учинчи шундай уй ҳам тахт қилиб қўйилди. 3. Қозогистонлик қурувчилар барпо этган уйлар. 4. Фрунзе шаҳридан келган азаматлар бугун-эрта фойдаланишга топширадиган улкан уй-жой биноси.

А. Ким фотолари.

ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР — Оламда нима гап

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

НОН ҚИММАТЛАШДИ

ПАРИЖ. (ТАСС). Францияда нон нархи яна оширилганлиги ҳақида эълон қилинди. Масалан, Парижда нонинг баъзи сортларининг бир килограмми 11 сантига қимматлашди.

Урушдан кейинги йилларда нон нархи биринчи марта қимматлашаётганн йўқ. Масалан, икки йил муқаддам нон нархи 20 процент ошган эди. Ўтган йили ҳам нон нархи оширилди.

КОМИССИЯ ИШ БОШЛАДИ

ПАРИЖ, (ТАСС). 26 январда Парижда Совет—франция аралаш комиссияси иш бошлади. Кун тартибида фан, техника, ташқи савдо соҳасида Франция—Совет ҳамкорлиги масалалари бор.

МАНАГУАДА ҚОН ТЎКИШЛАР

НЬЮ-ЙОРК. Никарагуа пойтахтида 26 январда ҳукуматга қарши бўлган кучлар билан ҳукумат қўшинлари ўртасида яна отишма бошланиб кетди. Отишма натижасида ўлган кишилар бор.

«Шубҳали» деб топилган юзлаб кишилар турмаларга ташланди. Қамоққа олишлар, пойтахтга келаётган кишиларнинг ҳаммасини тинтиш давом этмоқда. Учта радиостанция ва оппозициянинг «Пренса» газетаси ёпиб қўйилди. Шу газетанинг директори Хорхе Карденас қамоққа олинди, матбуот устидан назорат кучайтирилди.

ИНДОНЕЗИЯДА АҲВОЛ

ЖАКАРТА. Индонезия муваққат халқ маслаҳат конгресси яқинда генерал Сухартога мурожаат қилиб, «1965 йил 30 сентябрдаги тўнтаришга президент Сукарно аралашган бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги» юридик материалларнинг ҳаммасини мана шу маслаҳат конгрессига топширишни талаб қилди.

Индонезия бош прокурори, дейилади Антара агентлигининг хабарида, яқин фурсатда мана шундай фактлар ва далилларни тақдим қилади.

* * *

ЛОНДОН. Индонезия қуролли кучларининг вакили полковник Сухардеман, «граждан урушининг олдини олмоқ» учун президент Сукарно истеъфо бериши керак деди. Бунга жавобан Сукарно «келаси йили ўтказиладиган ялпи парламент сайловлари мени халқ қувватламаётганлигини кўрсатиб берадиган бўлса, фақат шундагина мен истеъфо бераман, деди.

АМЕРИКАНИНГ УЧ КОСМОНАВТИ ҲАЛОК БЎЛДИ

НЬЮ-ЙОРК, 28 январь. (ТАСС). Кеннеди бурунида «Аполлон» космик кемаси Ер устида синаб кўрилаётган пайтда, бугун ёнғин чиқиб, натижада кема экипажининг ҳаммаси — ҳарбий ҳаво кучлари полковники Виржил Гриссом, ҳарбий ҳаво кучлари подполковники Эдвард Уайт ва ҳарбий денгиз флотининг лейтенант-командори Рожер Чаффи ҳалок бўлди. «Аполлон» программасига кўра, бу кема 21 февралда учирилмоқчи эди ва парвоз 14 кун давом этиши керак эди.

ВЬЕТНАМ БИЛАН БИРДАМЛИК

БОМАКО. «Вьетнамнинг ички ишларига чет давлатлар аралашаётганлиги натижасида бутун дунёда тинчлик хавф остида қолган бир пайтда Осиё ва Африка халқлари бирдамлигининг Мали комитети чет эл агрессив қўшинларини Вьетнамдан олиб чиқиб кетишни ва 1954 йилги Женева битимларини қатъиян бажаришни талаб қилади. Комитет эълон қилган баёнотда ана шундай дейилади. Осиё ва Африка халқлари бирдамлигининг Мали комитети барча халқларнинг ҳуқуқларини, инсон қадр-қимматини ва озодликни ҳурматлаб, дейилади баёнотда, чет давлатларнинг Вьетнам ишларига аралашаётганликларини қораламоқ ва унга лаънатлар ўқимоқ учун миллион-миллион кишиларнинг бу тўғридаги талабларини қўллаб-қувватлайди.

ПАРИЖ. «Вьетнам учун 1 миллиард франк пул тўплаш ҳаракати»нинг раҳбарлари Америка агрессиясига қарши курашаётган Вьетнам халқига ёрдам фондига маблағ тўплаш кампанияси давомида француз меҳнаткашлари тўплаган ва эски пул билан ҳисобланганда 40 миллион франкдан иборат бўлган пулни Вьетнам Демократик Республикаси Қизил Крестининг Париждаги вакилига топширдилар. «Вьетнам учун бир миллиард франк пул тўплаш ҳаракати» илгари Вьетнам халқига эски франк билан ҳисоблаганда 20 миллион франк пул топширган эди. Шу маблағларнинг бир қисми Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронтининг Қизил Крести фондига берилади.

ТОКИО. Американинг машҳур ашулачиси Жоан Баэс Япониядаги тинчлик учун курашувчилар митингида нутқ сўзлаб бундай деди: «Жаҳондаги соф виждонли кишиларнинг ҳаммаси Вьетнамдаги урушга чек қўймоқ ва шу мамлакатда тинчлик ўрнатилишига эришмоқ учун кескин курашга кўтарилишлари лозим».

Жоан Баэс Японияннинг кўпгина шаҳарларида бўлди, концертлар берди ва АҚШнинг Вьетнамдаги агрессиясига қарши митингларда нутқлар сўзлади. (ТАСС).

КХДР МАРКАЗИЙ ТЕЛЕГРАФ АГЕНТЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

ПХЕНЬЯН, 27 январь. (ТАСС). Корея марказий телеграф агентлигининг бу ерда эълон қилинган баёнотида бундай дейилади: «жумладан, Пекинда, газета саҳифаларида, дацзи бао ва хунвэйбинларнинг варақаларида бизнинг мамлакатимизда гўё қандайдир «тўнтариш» рўй берганлиги ва бунинг натижасида сиёсий ғалаёнлар вазияти вужудга келганлиги тўғрисида сохта пропаганда юргизилмоқда.

Ана шу хилдаги сохта материалларни айрим капиталистик давлатларнинг агентликлари, радио ва матбуоти фойдаланмоқда».

Шу муносабат билан Корея марказий телеграф агентлиги қуйидагиларни қайд қилади: «Хитойдаги хунвэйбинлар газеталари, дацзи-бао ва варақалар томонидан тарқатилаётган «пропаганда ҳеч қандай асосга эга бўлмаган бошдан-оёқ уйдирма нарсадир.

Бизнинг мамлакатимизда бундай аҳвол бўлган эмас ва умуман бўлиши ҳам мумкин эмас. Бу — мамлакатимизнинг партияси, ҳуқумати ва халқ армияси шаънига йўл қўйиб бўлмайдиган даражада қилинган туҳматдан бошқа бир нарса эмас».

Корея Марказий телеграф агентлигининг баёнотида таъкидлаб ўтилганидек, Корея Меҳнат партияси ташкилий ва идеологик жиҳатдан маҳкам бирлашган ва монолит партиядир, партия ва ҳукумат раҳбарлари, бутун халқ ягона бир идея билан жипслашган.

«Мамлакатимизга нисбатан ҳар қандай сохта пропаганда жаҳон жамоатчилиги фикрини чалғита олмайди», — деб таъкидланади баёнотда.

«Шу хилдаги сохта пропагандага чек қўйиш керак».

ВЬЕТНАМ ХАЛҚИГА МАДАДКОРМИЗ

ВЦСПС БАЁНОТИ

15-18 январда АҚШ самолётларининг Вьетнам Демократик Республикаси саноат марказлари бўлмиш Вьетчи, Тхайнгуен ва аҳоли яшайдиган бир қанча районларини бомбардимон қилганлиги муносабати билан ВЦСПС баёнот берди. Бомбардимон натижасида граждан аҳоли ўртасида қурбонлар бор. Буларнинг кўпчилиги аёллар ва болалардир. Касалхоналар, мактаблар ва бошқа бинолар вайрон қилинган.

Вьетнам халқига қарши Америка ҳарбийлари қилаётган қонли ёвузликларнинг бутун масъулияти АҚШ ҳукумати зиммасига тушиши керак, дейилади ВЦСПС баёнотида.

Америка агрессорларининг ваҳшиёна ишлари совет меҳнаткашларининг чексиз газаб ва нафратини келтирмоқда, дейилади баёнотда.

БИР ҚАРОРГА КЕЛИШГА ҲАЛИ АНЧА БОР

ЛОНДОН. Бош министр Вильсон Парижда олиб борилган музокараларнинг якунларини Англия ҳукуматининг аъзоларига гапириб берди. У, Европа иқтисодий уюшмасига қабул қилиш тўғрисида «умумий бозор» мамлакатларига расмий мурожаат қилиш тўғрисида Англия ҳукумати бир қарорга келишидан олдин Франция президенти де Голль билан яна учрашиш лозим бўлади, деган фикрни айтди.

АГРЕССОРЛАР КУЧ ТЎПЛАМОҚДАЛАР

НЬЮ-ЙОРК. Ассошиэйтед Пресс агентлиги хабар беради: 21 январда тамом бўлган ҳафта мобайнида Жанубий Вьетнамдаги Америка қўшинларининг сони яна беш минг нафар кўпайди ва 400 минг кишига етди.

ҚОРА ХАТ ОЛАЁТГАНЛАР КЎПАЙМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК. Нью-Йорк районларидан бирида истиқомат қилаётган Дэвислар оиласига келган қора хатда бундай дейилади: Биринчи даражали оддий солдат Уильям Дэвис Вьетнам чангалзорларида ҳалок бўлди.

Макнамаранинг ҳарбий маҳкамаси Вьетнамдаги урушда ҳалок бўлган американлик солдатлар ва офицерлар тўғрисида ҳар кун мана шундай қора хатлар юбориб турибди. Ўлдирилганлар рўйхати тинимсиз кенгаймоқда. Энди кўп минглаб американликлар уйида аза очилмоқда.

АҚШ қўшинларининг Сайгондаги қўмондонлиги бугун эълон қилган хабарда айтилишича, Вьетнамдаги уруш ҳаракатлари вақтида Америка қўшинлари берган талафот 49.024 солдат ва офицерга етган.

(ТАСС).

ХАЛҚАРО ТЕМАДА

КИ НЕГА ШОШИБ ҚОЛДИ?

«Маршал» Нгуен Као Ки тун бўйи босириқираб чиқди: гоҳ Америка солдатлари еттинчи флот кемаларига ёки куни-кеча Таиланддан қурол-ярог олиб келган транспорт самолётларига тушиб қочиб кетаётгандай, гоҳ у Австралия ва Янги Зеландияга келганидан бери тотиб кўрмаган таомларни танаввул қилаётгандай, гоҳ «мудофаа министри» Нгуен Хиу Ко Гонконгдан Сайгонга етиб келиб, унинг ўрнига «бош министр» бўлиб олгандай туюларди.

У алаҳсирайвериб тонг отмасданоқ уйғониб кетди. Кечқурунги зиёфатда ичилган виски уни анча чанқатиб қўйган эди. Шахсий соқчи ҳам ўчашгандай ҳадеганда кофе олиб келавермади. Жанубий Вьетнамдан келганига ҳам бир ҳафтадан ошай деб қолди. Сайгон армиясининг ҳоли не кечдийкин? Бирор дақиқа ўзича шу ҳақда мулоҳаза юритай деса кечаги виски ҳали ҳам бошини қарахт қиляпти. Унинг фикри шундан нарига ўтмасди.

— Виски, — «маршал» бир маҳал «кофе» чакираман деб виски сўраб қолди.

Ҳар куни эрталаб хўжайини кофе ичишини билган шахсий соқчи ҳам ҳангманг. У аллақачон тайёрлаб қўйилган кофени ташқарида қолдириб, виски олиб югуриб келди.

— Мен виски эмас, кофе ичардим-ку, — Ки ҳайрон бўлди.

Шахсий соқчи хўжайинининг ўзи виски сўраганини айтмоқчи бўлди-ю, бироқ бу одоблан эмас эди. Шунинг учун ҳам у: «ҳурматли устозим, бугун виски ичганингиз яхшироқмикин» деб қўя қолди.

Ки виски ичиб олгандан кейин тушида кўргандари яна бир марта кўз олдидан ўта бошлади. У дарҳол «мудофаа министри»га ўзи Сайгонга етиб бормагунча Гонконгдан чиқмаслик ҳақида телеграмма жўнатди ва Жанубий Вьетнамга етиб олиши биланоқ қўғирчоқ режимни кекса амалдорлардан «тозалаш»ни кўнглига тугиб қўйди. Шулар орасида албатта Нгуен Хиу Ко ҳам йўқ эмас эди. Бунинг учун далиллар ҳам етарли: у бир вақтлар сотқинликда ва порахўрликда айбланган, бемалол ҳарбий трибуналга бериш мумкин. Фақат тезроқ етиб олиш керак. Акс ҳолда Нгуен Хиу Ко телеграммани кўриши биланоқ ҳадиксираб қолиб, Сайгонга чопиши ҳеч гап эмас. Бунинг устига ҳарбийлар орасида Кига қараганда Конинг обрўси зўр.

Кининг тушида умрида танаввул қилмаган таомлар муҳайё бўлгани ҳам сир эмас. Австралия билан Янги Зеландияда қиролланган соқчиларга қарамасдан Ки умрида тотиб кўрмаган таомлари — палагда тухумлардан ҳам бенасиб қолмади. Уларни Вьетнамдаги урушга норозилик билдириб, Окленд ратушаси олдига келган 500 дан кўпроқ студент Ки учун сақлаб қўйишган экан. Агар у бу ерда узоқроқ турадиган бўлса, бунақа «таомлар»дан ҳали қанчасини танаввул қилишига ҳам кўзи етиб қолган эди.

Жанубий Вьетнамда қўғирчоқ режим кризиси ҳам кучайиб кетяпти. 1963 йили ноябрь ойида Нго Динь Дьем диктатураси агдарилгандан бери Сайгонда 13 марта қўзғолон кўтарилди. Агар Ки Сайгонга етиб бормасдан бурун бу ерга Ко келадиган бўлса, яқинда Америка Қўшма Штатлари юборган яна беш минг солдат ва офицерни Ки эмас. Ко кутиб олиши керак эди. Шунинг учун ҳам Дарвин (Австралия)даги аэропортда уюштирилган кузатиш маросими Кининг назарида жуда чўзилиб кетганга ўхшарди. Фақат тезроқ Сайгонга етиб олиш лозим.

Пировардида «виждон азоби» деган нарса ҳам бор-да. Шунча йил Сайгон қўғирчоқ ҳукуматига «бошлиқ» қилиб қўйган американлик хўжайинларига Австралия ва Янги Зеландияга қилган сафари тўғрисида у «бош министр»лик лавозими сақланган ҳолда ахборот бермаса бўлармиди?

Ки Сайгонга келгач, сафардалигида тушида кўрганларидан бирининг тамомила тескари эканлигини билди. Армиядан Америка солдатлари эмас, балки қўғирчоқ режимга ёлланган солдатлар қочишган экан. «Маршал» бугун ўз хўжайинларига ана шуларни ҳам рўйрост айтганмикин?

Б. ЮСУПОВ.

Александр Михайлович ЛОМОВ

Узоқ давом этган оғир касалликдан кейин Ўзбекистон ССР Давлат План комитети металлургия, геология ва минерал хом ашё бўлимининг бошлиғи 1931 йилдан КПСС аъзоси, Александр Михайлович **Ломов** 27 январда вафот этди.

А. Ломов 1906 йилда туғилди. Меҳнат фаолиятини 16 ёшида ёғ-заводи ишчиси бўлиб бошлади. 1935 йилда Шимолий Кавказ кон-металлургия институтини битиргач, цех бошлиғи, кейинчалик техника бўлимининг бошлиғи, завод бош инженери бўлиб ишлади. 1952 йилдан 1958 йилгача А. Ломов Оржоникидзе шаҳридаги «Кавгипроцветмет» лойиҳа институтининг директори бўлиб ишлади.

1958 йилдан бошлаб А. Ломов республика давлат план комитетида масъул лавозимларда ишлаб Ўзбекистон ССР рангли металлургиясининг тараққиётига катта ҳисса қўшди. У ажойиб ташкилотчи, моҳир ва сезгир раҳбар эди.

Александр Михайлович меҳнатсеварлиги, камтарлиги, кишиларга меҳрибонлиги билан катта обрў-эътибор қозонган эди.

А. Ломов одамшаванда, қадрдон ва меҳрибон дўст эди. Ватан олдидаги катта хизматлари учун А. Ломов «Ҳурмат белгиси» ордени, медаллар ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланган эди.

Александр Михайлович Ломовнинг ўчмас хотираси қалбимизда умрбод қолади.

И. Анисимкин, М. Рамазонов, А. Хўжаев, С. Зиёдуллаев, Р. Глухов, В. Куликов, Ш. Хўжаев, Р. Сарисова, Ж. Илҳомова, Н. Косенко, В. Осминин, И. Исҳоқов, Х. Тўлаганов, А. Аҳмадбоев, П. Поклонский, М. Ҳамроев, А. Валиев, П. Лебедев, П. Володин, Г. Толибов, Н. Нищонов, А. Буторин, П. Кожевников, А. Тахтаров, У. Аъзамов, М. Эшмуҳамедов, В. Пузанов, Ш. Зуфаров.

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

7.45 — Ота-оналар учун, 8-25 — Концерт, 9.30 — «Ялла» концерти, 10.30 — Шарқ халқларининг куйлари, 11.10 — Экран янгиликлари (рус.), 12.15 — Эрталабки салом (Москва), 13.00 — Концерт (чорвадорлар учун), 13.30 — Куй, қўшиқ ва рақслар, 15.20 — Шонли 50 йил. СССР халқ артисти Аброр Ҳидоятовнинг иккинчи йўли, 18.00 — «Ёшлик» радиостанцияси, 18.40 — «Коммунист» (қоз.), 19.20 — Сиз ёқтирган артистлар, 20.00 — «Табассум» радиожурнали (такрорий эшиттириш), 21.20 — Концерт (сайловчиларнинг талабига мувофиқ), 22.00 — Дунё харитаси олдида, 22.10 — Лирика кечаси, 23.10 — Концерт.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 10.55 — **Эшиттиришлар программаси, 11.00 — Физкультура билан шуғулланинг.**

Рус тилида: 11.20 — **Буфетдаги саргузашт** (болалар учун мультфильм), 11.30 — **Ҳамма нарсани билишни истайман** (мактаб ўқувчилари учун), 12.45 — **Мехикода учрашамиз** (Тошкент телестудиясининг кино премьераси).

Ўзбек тилида: 13.05 — Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги олдидан. **Бахтимиз учун курашганлар** (болалар учун), 14.05 — **Дўст, ўртоқлар** (бадиий фильм).

16.55 — **Эртаги кун программаси.**

17.00 — **Ленин юлдузлари порлайверсин** (болалар учун), 17.20 — **Телевизион янгиликлар**, 17.35 — **Ўзбекистон санъат усталари — қурувчиларга.**

Рус тилида: 18.15 — **Телевизион янгиликлар**, 18.30 — **Болгария билан танишув** (Болгарияда бўлиб ўтган Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадаси ҳақида ҳужжатли фильм), 18.50 — **Қурувчилар телевизион клуби**, 20.10 — **Жонгинам** (телевизион бадиий фильм), 21.30 — **Эртаги кун программаси.**

Ўзбек тилида: 21.35 — **Олтин водий.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 11.00 — Ўқув программаси. **Математика. Биринчи даражали тенгсизлик** (мактаб ўқувчилари учун ёш физик, химик ва математикларнинг республика олимпиадаси олдидан).

13.00 дан — **Москва кўрсатади.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 29/I да **Оққуш кўли.**

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 29/I да кундуз ва кечқурун **Вероналик икки йигит.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 29/I да кундуз **Қалам қошлигим**, кечқурун **Махтумқули.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — Ўзбекистон ва Туркманистон ССР да хизмат кўрсатган артист **Комилжон Отаниёзов** раҳбарлиги ва иштирокида **Хоразм ансамблининг концерти.**

КИНО

Қиш тонги — «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «МИР» (кундуз ва кечқурун), «МОСКВА» (эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб 10 ва кундуз 4 да).

Фидойи — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун), НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10, кундуз 1 ярим, 3 20 ва кеч 6-40 минутда), «ЧАЙКА» (эрталаб 11-45 минутда).

Тентаклигим тарихи — «СПУТНИК» (тоқ соатларда), «ДРУЖБА» (1-залда тоқ соатларда).

Шартли тўй — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА», НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Бриллиантхўр — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Герани жасорати — «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Сарагосда топилган қўлёзма — «ДРУЖБА» (кундуз соат 12,3-15 минут ва кеч 6 яримда).

1967 йил 9 февраль кундуз соат 3 да, Тошкент Давлат университети тарих факультетининг илмий совети мажлисида (К. Маркс кўчаси, 32-уй, 36-аудитория) тарих фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун:

Р. С. Эгамбердиев «Мирзачўлни ўзлаштиришда Ўзбекистон меҳнаткашларининг курераши тарихидан» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИ

Диссертация билан кутубхонада танишиш мумкин. (Куйбишев кўчаси, 10-уй).

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИГА

декоратор ва **реклама рассомлари**

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, М. Уйғур кўчаси, 2-уй, кадрлар бўлими.

ХАЛҚ МАОРИФИ АЪЛОЧИСИ

Мактаб йиллари ҳар бир инсоннинг кўз олдида гавдаланиб туради. 1934 йилнинг завқли сентябрь тонг отари. Пионерлар майдонда саф тортиб турардилар. Тошкент Октябрь районидаги ҳозирги Киров номли 36-мактабда Соат Умаров вожатийлик қилар ва 10-синфни тугатиш даврида эди.

Соат Умаров 10-синфни аъло баҳолар билан битирган йили уларни ҳурматли оқсоқолимиз Йўлдош ота Охунбобоев табриклади. Халқ оқсоқолининг маслаҳати билан у, бир неча сафдоши билан халқ маорифи йўлида хизматга бел боғлади.

Соат ака Калинин районида ўқитувчи, сўнг мактаб директори, кечки ишчи-ишлар мактабларида илмий мудир бўлиб хизмат қилди.

1962 йил 16 февралда ҳозир ўзи илмий мудир бўлиб ишлаб турган янги типдаги мактабни очишда катта ташаббус кўрсатди. Ҳозир бу мактабда 1600 ўғил-қиз билим олаётир.

Яқинда 50 ёшга тўлган Соат ака ўзининг 35 йиллик ҳаётини педагогик ишга бағишлади.

Юбилей кунида устоз ўқитувчи «Халқ маорифи аълочиси» нишони билан тақдирланди.

Маърифат йўлида бахт топган Соат Умаровнинг ҳали орзулари, режалари катта. У Октябрь районидаги 167-мактабда ҳар йили юз-юзлаб ўқувчиларни институтларга, меҳнат бағрига узатар экан, шу билан жуда қувонади.

Ҳ. ЮСУПОВ.

ЭКСКАВАТОР «ЎЗИ» ИШЛАЙДИ

Маълумки, экскаваторчининг иши жуда мураккаб. Экскаваторнинг автомашинага нисбатан бошқарув қисмлари, ричаг, педаллари жуда кўп. Машинист ана шу қисмларни бошқариш билан бирга, карьердан тупроқ ё шағал қазиб олаётганда ковшнинг ҳам қайси қатламга тушишини бошқариб туриши керак. Бу ишда юқори малакали машинистлар ҳам жуда қийналишади.

Қурилиш машиналари илмий-тадқиқот институти ходимлари экскаваторчиларнинг ишини енгиллаштириш мақсадида «Автоқоп» автоматини ихтиро қилдилар. Автомат ковшни бошкариб туради. Янги автомат ҳар қандай малакали машинистдан ҳам тез ва пухта «ишлайди». Автомат ёрдамида ковш карьердан тупроқ ёки шағални илгариги 5,56 секунд ўрнига 4,45 секундда қазиб олади. Меҳнат унумдорлиги 10 процент ошади. Бу автоматни паст малакали операторлар ҳам бошқара оладилар.

ЭНГ УЗУН ВА ЭНГ ҚИСҚА ВАСИЯТНОМА

Дунёда энг қисқа васиятнома 1906 йилда Англияда ёзилган. У икки сўздан иборат бўлган: «Ҳаммаси — онамга».

Жаҳонда энг узун васиятномани эса америкалик Фредерик Кук ёзган. У шу асрнинг бошида ўзининг тўрт томлик васиятномасини ёзиб, юристга топширган. Юрист шўрлик бу васиятномани варақлаб-варақлаб унда 95 минг 940 та сўз борлигини аниқлаган.

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ҲАНГОМАЛАР

ЎСИМЛИКЛАР «ШИФОХОНАСИ»

Польшанинг Лодзи шаҳрида мамлакатда ягона «ўсимликлар шифохонаси» бор. Кишилар, уйларида ўстираётган гул ва ўсимликларни касалга чалиниб қолганда «даволаш» учун бу ерга келтириб берадилар. Ҳозир шифохонада мингдан ортиқ гул ва ўсимликлар «даволаняпти».

11 КИШИЛИК АРМИЯ

Дунёда энг кичик қўшин Сан-Марино мамлакатидадир. Бу мамлакатнинг ҳамма қўшинлари 11 кишидан иборат.

Редактор ўринбосари Х. ЕДГОРОВ.

Бизнинг адрес: Совет Ўзбекистони

ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 28. Редактор — 836545, Редактор ўринбосарлари — 837914, 839323, Масъул секретарь — 834453, Масъул секретарь ўринбосарлари — 837283, Партия турмуши — 833469, 837221. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш, халқаро ҳаёт — 831216. Коммунистик тарбия — 831455, Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 834780, Совет қурилиши — 833258, Қишлоқ хўжалиги — 837604, Адабиёт ва санъат — 832036, 837221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 834451, Маҳаллий ахборот — 832347, Оммавий ишлар ва хатлар — 838670, 833553. Иллюстрация — 834524, Стенографистка — 837343, Корректура — 837162, Эгловлар — 838142, Коммутатор — 830249, 830250, 830251, 830252, 830253, 830254, 830255, 830256, 830257, 830258.

№ А — 25. ИНДЕКС 64543. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Р. 05076.